

ХАЛҚНИ РОЗИ ҚИЛИШ – БАРЧА РАЎБАРЛАРНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАСИ

Президент Шавкат Мирзиёев 26 июль куни аҳоли турмушини яхшилаш ва тadbиркорлар фаоллигини оширишга қаратилган таклифлар муҳокамаси юзасидан ййгилиш ўтказди.

Сўнги йилларда барча соҳа ва йўналишларда фундаментал ислохотлар амалга оширилди. Тараққиёт стратегияси мамлакатимизда ривожланишнинг янги босқичини бошлаб берди. Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш унинг биринчи мақсади этиб белгиланган.

Иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётдаги барча соҳалар инсон манфаатларини таъминлашга қаратилган. Хусусан, жорий йилнинг биринчи ярмида ялпи ички маҳсулот 5,4 фоиз ўсган. Саноат, қурилиш, савдо ва хизматлар соҳаларидаги ривожланиш суръатлари ҳам, пировардида, аҳоли турмушида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, Халқ қабулхоналари, ижтимоий тармоқлар ва сўровлар орқали соҳа ва ҳудудлардаги муаммолар, одамларнинг адолатли таклифлари ўрганиб борилмоқда. Улар асосида халқимизни рози қиладиган қарорлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, тadbиркорлик бўйича лицензия ва рухсатномаларни расмийлаштириш тартиби соддалаштирилди, муддатлари қисқартирилди. Йил бошидан буён 50 мингдан ортиқ янги тadbиркорлик субъектлари ташкил этилди. Аҳоли сотиб олган уйларнинг 28 фоизи ипотека кредитлари ҳисобига молиялаштирилди. 1 сентябрдан бошлаб хусусий секторда ишлаётган аёлларга ҳам давлат бюджетидан 2 миллион сўмлик ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси тўлаб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ййгилишда аҳоли ва бизнесни қийнаб келаётган муаммолар, улар бўйича илгари сурилаётган таклиф ва ташаббуслар муҳокама қилинди. Асосли таклифларни қаноатлантириш, одамлар учун қулайликларни ошириш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Президент халқимизни рози қилиш, тadbиркорликни ривожлантириш учун зарур шароитларни яратиш барча раҳбарларнинг энг устувор вазифаси бўлиши кераклигини таъкидлади.

Ў.А.



ИССИҚКЎЛДАН ИЛИҚ ТААССУРОТ

XXI АСРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ҚАНДАЙ РИВОЖЛанади?

Марказий Осиё минтақасида жойлашган 5 та Республикани тарихан шаклланган дин, урф-одат, маданият, асосийси, келажак бирлаштиради. Бу минтақада халқлар, одамлар бир-бирини қийинчиликсиз тушунади. Улар минг йиллар давомида битта йўлдан юришган, бир бозордан савдо қилган, бирга улоқ чолиб, бирга кураш тушишган. Мустамлакачиликнинг захматини ҳам бирга чекишган.

Бугун эса улар ишончли келажак учун биргаликда интиломоқда. Марказий Осиё аҳолисини умумий экологик, географик ва ривожланиш муаммолари ҳам боғлайди. Мураккаб табиий ресурслар истиқболи, денгиз портларига чиқишнинг мушкуллиги, сўғоришнинг етишмаслиги ва транспорт йўлларининг етишмаслиги минтақа учун умумий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, масалан, сувга бой, лекин энергияга камбағал Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари энергияга бой, аммо сувга камбағал Қозғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон билан ҳаётий ўзаро боғлиқдир.

4 САҲИФА



«АФҒОНИСТОН: ХАВФСИЗЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Хонимлар ва жаноблар!**

“Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт” мавзусидаги Тошкент халқаро конференциясининг барча иштирокчиларини қутлашдан бағоят мамнунман.

Ушбу форумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусимизни қўллаб-қувватлагани учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш жанобларига алоҳида миннатдорлик билдираман.

Анжуман ишида БМТ Бош котибининг вакили жаноб Маркус Потцел иштирок этаётгани Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни мустақамлаш борасидаги мақсадларга қатъий содиқ эканидан далолат беради.

Европа Иттифоқи ва Европа мамлакатлари, Хитой, Россия, АҚШ, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари давлатлари махсус вакилларининг

конференцияда иштирок этаётгани эса бугунги учрашувнинг аҳамиятини янада кучайтирмоқда. Сизлар Афғонистон муаммоларини ҳал этиш ва афғон халқига ёрдам кўрсатиш бўйича қарорлар қабул қилишда бевосита қатнашиб келмоқдасиз.

Биз бугунги форумда Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, шунингдек, халқаро молиявий институтлар ва етакчи таҳлил марказлари вакилларини кўриб турганимиздан хурсандимиз.

Анжуманда иштирок этаётган ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи жаноб Амир Хон Муттақий бошчилигидаги нуфузли Афғонистон делегациясини ҳам қутлаймиз.

Мазкур конференция Афғонистоннинг янги ҳукумати билан афғон халқи ва бутун халқаро ҳамжамият манфаатларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланган ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан амалий фикр алмашиш учун имкон яратади, деб ишонамиз.

Давоми 2-бетда. ▶



ДАВЛАТ ДАСТУРИ

ИЖРОСИДАН МУТАСАДДИЛАРНИНГ
ЎЗИ ҚОНИҚАДИМИ?

5 САҲИФА



МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ ХОТИРЖАМ

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДА
Бўлаётган мураккаб воқеаларни
ўйласанг, ҳар хил ваҳимали ха-
барларни ўқисанг, кўнгилга ғул-
ғула тушгандай бўлади. МАРКА-
ЗИЙ БАНКИМИЗ РАИСИНИНГ ЖАВОБ-
ЛАРИНИ ЭШИТГАНДА ЭСА КўНГИЛ
ТИНЧЛАНИБ, ХОТИРЖАМЛАНГАНДАЙ
ТУЮЛАДИ.

6 САҲИФА

SIYOSAT

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

«АФҒОНИСТОН: ХАВФСИЗЛИК ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ» МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли конференция иштирокчилари! Ўзбек ва афгон халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Бизни умумий маданий, маънавий ва тарихий қадриятлар, ягона дин ва буюк аждодларимизнинг мероси бирлаштириб туради.

Таъкидлаш керакки, Амударёнинг нариги соҳилида тинчлик бўлмаса, Ўзбекистонда ва Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарор тараққиётга эришиб бўлмайди.

Шу сабабли ўзининг янги тарихида чуқур ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар инқирозга дуч келган Афғонистонга нисбатан дунёда эътибор сусайиб бораётгани хавотир уйғотмасдан қолмайди.

Аминмизки, жаҳон ҳамжамияти бугун 1990-йиллардаги хатоларни қайта такрорламайди, уларни четлаб ўта олади ва бу мақсадга албатта эришиб лозим.

Афғонистоннинг халқро майдонда якка-лаб қўйилиши гуманитар вазиятнинг янада ёмонлашувига олиб келиши муқаррар. Шу боис бундай ҳолатга йўл қўймайлик муҳимдир, чунки гап миллионлаб инсонларнинг тақдир ҳақида бормоқда.

Ҳозирги пайтда Афғонистон Муваққат ҳукумати мамлакатда тинчликни қарор топтириш бўйича муайян қадамлар қўймоқда, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилашга, қўшни давлатлар билан дўстона алоқалар, халқро ҳамжамият билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Биз ушбу саъй-ҳаракатларни рағбатлантиришимиз ва қўллаб-қувватлашимиз зарур.

Шу билан бирга, давлат бошқарувида афгон жамятининг барча қатламларидан вакиллар кенг иштирок этадиган таркибни шакллантириш, инсон, айниқса, хотин-қизлар, барча миллий ва диний гуруҳларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш Афғонистонда узоқ муддатли тинчлик ўрнатишининг фундаментал асоси бўлиб қолмоқда.

Биз Афғонистоннинг ҳозирги ҳукуматини терроризмнинг ҳар қандай шакли ва кўринишларининг олдини олиш ва уларга қарши курашиш, барча халқро террорчилик ташкилотлари билан алоқаларни узиш учун ўзининг қатъий иродасини намоён этиб, кескин чоралар кўришга чақирамиз.

Бундай ёндашув Муваққат ҳукуматга бўлган ишончининг мустаҳкамланишига олиб келади, Афғонистон учун ён-атрофдаги давлатлар ва халқро ҳамжамият билан дўстлик, яқин қўшничилик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик муҳитида барқарор тараққиёт этиш бўйича аниқ истиқболлар очади.

Қадрли дўстлар!

Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган Жанубий ва Марказий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги махсус резолюция ҳам Афғонистонда тинчликни сақлаш халқро хавфсизликни таъминлаш учун гоят муҳим аҳамиятга эга эканини тасдиқлади.

Биз, бутун халқро ҳамжамият афгон халқи билан бирдамликни намоён этишимиз зарур. Биз ўз саъй-ҳаракатларимизни Афғонистоннинг тинч, барқарор ва фаровон ўлкага, терроризм, уруш ва наркотик моддалардан холи мамлакатга айлантириш учун мустаҳкам пойдевор яратишга сафарбар қилишимиз лозим.

Афғонистон иқтисодиётини қайта тиклаш вазифаси бизнинг умумий устувор йўналишимизга айланиши зарур. Айна шундай қараш жафоқаш афгон заминиди мустаҳкам тинчлик ўрнатишининг муҳим шarti ҳисобланади. Бу йўналиш, хусусан, мамлакатнинг минтақалараро иқтисодий жараёнларга интеграциялашувини, инфратузилмаларга доир ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ва гуманитар жиҳатдан қайта тиклашга кўмаклашиш борасидаги халқро саъй-ҳаракатларга, жумладан, йирик трансминтақавий инфратузилма лойиҳаларини илгари сурган ҳолда, салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Сўзимнинг ниҳоясида бугунги конференция фойдали баҳс-мунозаралар учун ҳамда Афғонистон халқининг манфаатлари ва орзу-интилишларига жавоб берадиган, ўзаро келишилган ёндашувларни ишлаб чиқишда самарали мулоқот майдони бўлади, деб умид қиламан.

Конференция фаолиятига, унинг барча иштирокчиларига муваффақият тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

◀ Давоми, бошланғич 1-бетда.

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИ

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ

ҳақидаги қонун лойиҳаси парламентга кириб келди

26 июль кун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бир қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Шулар орасида кўпчилик эътиборини торггани «Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш» тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўлди. Биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси билан депутатларни Адлия вазири Русланбек Давлетов таништирди.

Қонун лойиҳаси бугунги кунда демократик ва ривожланган жамят куриш учун амалий ишлар олиб бораётган ҳар қандай давлатда долзарб институт сифатида қаралмоқда.

Сабаби, манфаатлар тўқнашувининг олди олинмаган тақдирда унинг оқибати коррупцияга олиб келади. Бунинг кўлами қандай бўлишини эса биргина Ҳисоб палатасининг Сенатга берган маълумотида ҳам кўриш мумкин. Маълумотда 2021 йилда манфаатлар тўқнашуви оқибатида 970 млрд. сўм миқдоридаги 763 та қонунбузилиш ҳолатлари қайд этилганлиги айтилган. Қизиги шундаки, бу аниқланган ҳолатлар, аниқланмаганлари қанчалигини эса ҳеч ким билмайди. Бу қонун лойиҳаси ишлаб чиқилганга қадар манфаатлар тўқнашуви аниқ бир қонун билан тартибга солинмаган эди. Фақатгина Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги ва Давлат харидлари тўғрисидаги қонунларнинг айрим бандларида белгиланган эди.

Қайси ижтимоий тармоққа қараманг, коррупцион ҳолат билан боғлиқ хабарларга кўзимиз тушади. Коррупция ривожланишимизга қарши катта тўсиқ эканлигини англаганимиз учун ҳам бу қонун лойиҳаси бугунги кунда жуда аҳамиятлидир. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисидаги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқиши муҳим институтнинг пайдо бўлишини аниқлади.

Ҳар қандай тизим тартибга солинса, албатта, унинг иш самарадорлиги ҳам ошади. Агар бу қонун лойиҳаси амалга киритилса, манфаатлар тўқнашувининг олдини оладиган, аниқлайдиган, керак бўлса, жазога тортадиган масъул орган ҳам белгиланади.

Адлия вазири қонун лойиҳасининг муҳим жиҳатлари ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Тасаввур қилиб кўрайлик, катта лавозимда ишлайдиган давлат хизматчиси.

Биз назорат қиладиган объектлар ҳам бор ва у объектлардан бирди яқин қариндошимиз раҳбар лавозимида фаолият юритади. Сиз шундай ҳолатда холис текширув ўтказасизми? Агар «ҳа», деб жавоб бераётган бўлсангиз, бундай жавоб беролмайдиганлар ҳам етарлича топилишини биласиз, албатта.

Фалончи ташкилот фалон ишни тендерда ютиб олди, текшириб кўрилганда тендерда кўювчи масъул тендерда ютган фалон ташкилот раҳбарининг кимидир бўлиб чиқаётгани ҳақидаги хабарлар тез-тез учраб турибди. Қонун лойиҳасида шундай ҳолат аниқланмаган бўлса, шартномадан олинган фойда қайтариб ундирилиши, агар қонуний жиҳатдан ҳаммаси режадагидек амалга оширилган бўлса ҳам шартнома ҳақиқий эмас, деб топилгани кўзда тутилмоқда.

Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда тўлиқ қўллаб-қувватлади.

2022 йил биринчи ярим йиллик: ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ КЕНГАШИ МАЖЛИСЛАРИДА ҚАНЧА МАСАЛА КЎРИЛГАН?



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗА

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам қизғин муҳокама этилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал БУРҲОНОВ лойиҳанин мазмун-моҳияти, мақсад ва вазифалари хусусида тушунтириш берди:

—Ҳозиргача мамлакатимизда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси фаолиятини тартибга солиш учун бир қонун мавжуд эмасди. Бу жараёнлар тегишли Президент қарори ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солиб келинган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид қонуннинг 25-моддасида эса норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси хуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шартлиги белгилаб қўйилган.

Таҳлилларга кўра, ўтган йили Адлия вазирилик томонидан 245 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида 405 та коррупциявий омил аниқланган. Шу билан бирга, агентликка келиб тушган 273 норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларининг 133 тасида шундай ҳолат аниқланган. Уларни бартараф этиш

бўйича лойиҳани ишлаб чиққан вазирилик-идораларга керакли тавсиялар берилди. Манфаатдор вазирилик ва идоралар билан биргаликда ўтган йили 892 та амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилган бўлса, 224 тасида 660 дан ортиқ коррупциявий омилар аниқланган.

Ҳўш, коррупциявий омил ўзи нима, уни қонун билан тартибга солиш нима учун керак? Аввало, шу масалаларга оидки кирибтиб олайлик.

Коррупцияни келтириб чиқарувчи омилар – коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияни юзага келтирадиган норма ва қоидалар ҳисобланиб, уларни бартараф этиш фаолият шаффоқлиги ва очиқлигини таъминлашга хизмат қилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси эса коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш имкониятини яратадиган, коррупцияга сабаб бўладиган омиларни аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қўллаш жараёнида коррупция хусусиятига эга ҳавфларнинг юзага келиши эҳтимолини прогност қилиш, коррупцияга сабаб бўлган, аниқланган омиларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган жараён ҳисобланади.

Қонун лойиҳасида асосий нормалар, экспертизадан ўтказилган асосий принциплари, экспертизадан ўтказилган орган ва уларнинг ваколатлари белгиланмоқда. Энг асосий жиҳати, қонун ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизаси жараёнида жамоатчилик ҳам иштирок этиши мумкинлиги белгиланмоқда. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, ОАВ, таълим ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа юридик шахслар, фуқаролар бу жараёнларда иштирок этиши, мустақил баҳолашлари мумкин бўлади.

Лойиҳада, шунингдек, коррупциявий омилар рўйхати аниқ белгиланмоқда. Хусусан, ноаниқ ва асосиз ҳаволалар келтирилиши, ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги, давлат органларининг такрорловчи ваколатлари, давлат органи томонидан ўзининг ваколатига қирмайдиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиши, манфаатлар тўқнашуви, афзалликларнинг асосиз белгиланиши, асосиз кечиктиришлар, давлат ва маҳаллий бюджетлар сарфланиши, давлат харидлари билан боғлиқ маълумотларнинг аниқ ва шаффоқ эмаслиги каби ҳолатлар шулар жумласига қиради.

Ушбу қонун лойиҳаси ҳам депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Гулрух ОДАШБОВА,
Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.



ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ АФҒОНИСТОНДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 25-26 июль кунлари "Афғонистон: хавфсизлик ва иқтисодий тараққиёт" мавзусида халқро конференция ўтказилди.

Ийғилишда Европа, Америка қитъалари, Яқин ва Урта Шарқ, Осиё-Тинч океани минтақалари, Марказий ва Жанубий Осиё давлатларининг Афғонистон бўйича махсус вакиллари, халқро ва минтақавий ташкилот раҳбарлари ва мутахассислари, етакчи таҳлилий марказлар вакиллари ҳамда Афғонистон Муваққат ҳукумати делегацияси иштирок этди.

Мазкур анжумандан кўзланган асосий мақсад Афғонистонда гуманитар инқирознинг олдини олиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, миллий иқтисодиётни тиклашга кўмаклашиш, кўп миллатли афгон халқи ва бутун дунё манфаати йўлида ушбу мамлакатни минтақавий ҳамкорлик жараёнига жалб этишдан иборат.

Учрашувни мамлакатимиз ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Владимир Норов очиб бераркан, Афғонистон ҳукумати олдида турган муҳим вазифаларга тўхтади.

Шундан сўнг давлатимиз раҳбарининг конференция иштирокчиларига мурожаатини Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташқи сиёсат бўйича махсус вакили, Президент ҳузуридаги Хавфсизлик Кенгаши котиби ўринбосари Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

Афғонистон ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Амирхон Муттақий

ўз мамлакатадаги барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасидаги тинчлик ва хавфсизлик гарови эканига алоҳида урғу берди.

Конференция ялпи мажлиси давомида хорижий экспертлар томонидан турли таклиф, ташаббуслар илгари сурилди, мавзуга оид маърузалар тингланди. Хавфсизлик, ижтимоий-иқтисодий ҳолатни яхшилашга кўмаклашиш бўйича мувофиқлаштирилган ёндашув ва тамойиллар ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида яқдил фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуман дастурига мувофиқ, турли долзарб мавзуларга бағишланган секция учрашувлари ҳам бўлиб ўтди. Қўшни Афғонистонда барқарорликни таъминлашга қаратилган гуманитар ҳамда инфратузилмавий лойиҳалар тақдимоти намойиш қилинди.

Тошкент конференциясига ташриф буюрган таниқли хорижлик мутахассислар, тажрибали экспертлар мамлакатимизнинг Марказий Осиёда хавфсизлик, тинчлик ҳамда барқарор тараққиётни таъминлаш, хусусан, Афғонистонни терроризм ва урушдан холи тинч, фаровон мамлакатга айлантириш йўлида олиб бораётган саъй-ҳаракатини юксак баҳолади.

Тадбир якунида Афғонистон бўйича халқро конференцияга мезбон давлат баёноти қабул қилинди.

БУ ТАМОЙИЛ ЮРТИМИЗНИ ЯНАДА ФАЙЗЛИ ҚИЛАДИ



Зулфия ТУЙЕВА,
ЎзХДП Бухоро
вилоят кенгаши
раиси:

— Қайсидир жамиятда кучли инсон энг яхши ва энг қадрли ҳисобланган бўлса, бошқа бир жамиятда ҳукмдор, амалдорлар қадр топган. Аслида эса куч, мансаб, кўрк ва молу дунё ҳаётнинг моҳияти эмас.

Ўзбекистонда ҳам, аввало, инсон ким бўлишидан қатъи назар, унинг ҳақ-ҳуқуқларига катта эътибор қилинмоқда. Кейинги йилларда халқ билан бевосита мулоқот қилиш, унинг дарду ташвишини, муаммоларини ижобий ҳал этиш бўйича тизим яратилди. Ҳаётимизда “давлат – инсонлар учун”, деган халқчил ғоя қарор топди ва бу тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Президент фармони билан тасдиқланган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий стратегиямизда белгиланган «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», деган тамойил давлат идораларининг фуқароларга нисбатан муносабатининг асосий мезонига айланиши зарур.

Шунга мувофиқ Бош қомусимизга “Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонунчиликда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинади”, деган норма киритилмоқда.

Ҳуқуқий давлатда барча муносабатлар аниқ қоидалар билан тартибга солинган бўлиши, ҳеч бир муносабат ҳуқуқий ечимсиз қолмаслиги керак. Ҳаётда шундай вазиятлар ёки ҳолатлар вужудга келиши мумкин, давлат ва инсон ўртасидаги айрим муносабатларнинг ечими қонунчиликда кўрсатилмаган ёки аниқ акс этмаган бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатларда муаммо кимнинг фойдасига ва қандай тартибда ҳал этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Инсон фойдасига тамойили одатда жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш доирасида кенг қўлланиб келинмоқда. Эндиликда бу масаланинг Конституцияда мустаҳкамланиши унинг қўлланилиши доирасини кенгайтиради.

Давлат ва инсон ўртасидаги ўзаро муносабатларда келиб чиқаётган ноаниқликлар турли тушунмовчилик ва шикоятларнинг ошишига олиб келиши мумкин. Бу эса фуқароларнинг сарсон-саргардонлигига сабаб бўлади. Масалан, ўтган йили Президент Виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига 1 млн. 600 мингдан ортиқ мурожаат келиб тушган бўлса, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили офисига 2021 йилда 18,7 мингдан кўпроқ мурожаат келиб тушган. Табиийки, ушбу мурожаатлар орасида муаммоли масалалар ҳам кўпчиликини ташкил этади.

Инсоннинг давлат органлари билан ўзаро муносабатга киришишида қонунчиликдаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршиликлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин қилинишининг Конституция даражасида белгиланиши, энг аввало, инсон қадрини улуғлаш бўйича улғувор ғоянинг амалга татбиқ этилиши, давлат манфаатлари эмас, инсон манфаатлари устунлиги таъминланишига олиб келади.

Инсон фойдасига талқин қилиш деганда, давлатнинг даъводан воз кечиши ҳам тушунилади. Бундай жонбозлик, керак бўлса, мардлик, албатта, халқимиз руҳиятини кўтаришга, шахс сифатидаги камолотини юксалтиришга, инсоннинг қадр-қимматини, ҳурматини жойига қўйишга хизмат қилади.

Кексалар бежиз “одам боласи ҳаётдан рози бўлса, тоғни талқон қилади”, деб айтишмайди. Зеро, давлатимиз раҳбари ҳар бир инсон умид билан яшар экан, эртага, индин ёки ундан кейин эмас, ҳозир, шу бугун ниятига етишини, умридан, ҳаётдан, ҳар бир кундан рози, мамнун бўлишини истайди. “Инсон фойдасига” нафақат тамойил, балки улғувор мақсаддир. Бу эзгу амал одамларнинг ишончини оширади, юртимизни янада файзли қилади, деб ишонаман.

ДАВЛАТ ХОРИЖДА ЯШАЁТГАН ФУҚАРОЛАРГА ҲАМИША ҒАМХЎРЛИК ҚИЛАДИ



Нигора ЭШМЕТОВА,
ЎзХДП Тошкент
шаҳар кенгаши
раиси,
халқ
депутатлари
шаҳар
Кенгашидаги
партия гурӯҳи
раҳбари:

— Ўзбекистон дунёга очик давлат: жаҳоннинг турли нуқталаридан юртимизга келиш, айна вақтда ҳар бир юртдошимиз оламнинг турли сарҳадларига эмин-эркин ҳаракатланиши, орзу-ниятларига бемалол етиши мумкин.

Кимдир ўқиш, яна кимдир ишлаш учун хориж давлатларига кетади. **Мусофирчиликда гўё одам ўзини муҳофазасиздек, эътиборсиз қолгандек ҳис қилиши табиий. Улар бегона юрт, бегона жамият ичида турли тасодифларга дуч келади. Албатта, кўнгилсиз вазиятлар ҳам бўлиши мумкин. Шундай пайтларда айримлар қандай йўл тутишни, қаерга мурожаат қилишни, муаммолардан қандай халос бўлишни билолмай қолади.** Хориждаги элчихоналаримиз эса доим кўмакчи бўлиши, фуқароларга лаббай, деб жавоб бериши, давлат ғамхўрлигини кафолатлаши жуда муҳим.

Бу масала бўйича махсус меъёр Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилаётгани алоҳида эътиборга молик масаладир. **Бош Қомусимизнинг 22-моддасига янги норма киритилмоқда. Яъни, давлат хорижда яшаётган фуқаролар ва ватандошлар билан алоқаларнинг сақланиб қолиши ҳамда ривожланиши тўғрисида ғамхўрлик қилиши белгиланмоқда.**

Бу ҳақда Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувида ҳам фикр билдириб, муҳим таклифни илгари сурди. Бу бежизга эмас. Ўйлаб кўрайлик, кейинги йилларда хориждаги ватандошларимиз билан ҳамкорликни ривожлантириш, уларнинг юртимиз тараққиётига доир ғояларини, ташаббусларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари билан ҳамкорликда хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича таъсирчан чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчасига мустаҳкам сиёсий ирода, аниқ мақсадлар кўзланган сазй-ҳаракатлар ва ташаббуслар тўғрисида эришилмоқда. Айна шу йўналишда ҳукуматимиз томонидан бир қатор ҳужжатлар қабул қилинди. Хорижда истиқомат қилаётган юртдошларимиз билан ҳамкорлик соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди.

Айтиш керакки, бугунги кунда дунёдаги турли давлатларда Ўзбекистон фуқаролари билим олмақда, ишламоқда, истиқомат қилмоқда. Хорижий давлатларда тахминан 500 дан ортиқ ўзбек миллий-маданий марказлари фаолият юритмоқда.

Конституцияга хориждаги ватандошларимизга давлат ғамхўрлик қилиши ҳақидаги меъёрнинг киритилиши бошқа мамлакатларда яшаётган фуқаролар билан алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Унда белгиланган меъёрларни тўлақонли амалга ошириш мақсадида чет элда билим олаётган, меҳнат қилиб даромад топаётган юртдошларимизни, уларнинг мамлакатимизда яшаётган оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича қўшимча комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу эса жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини қувонтириши, давлатга ишончи мустаҳкамланишига хизмат қилиши табиий.

ОШКОРАЛИК ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ТАЛАБИ



Илҳомжон АТАБОВЕВ,
ЎзХДП
Наманган
вилоят кенгаши
раиси:

— Ҳар ким интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Мазкур ҳуқуқларни чеклашга фақат амалдаги конституциявий тузумни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат хавфсизлигини ҳамда тартибини ҳимоя қилиш, шунингдек, давлат сири ёки бошқа сир, деб эътироф этилган ахборотни ошкор этишнинг олдини олиш билан боғлиқ ҳолларда қонун билан йўл қўйилади. Конституцияимизнинг 29-моддасига киритилаётган ушбу таклиф ҳақида бироз мулоҳаза юритсак.

Бугун ахборот асри. Шиддатли давр ҳар бир соат, ҳар бир дақиқада этилган ахборотни ошкор хабардорлик, муносабат билдириш, билимларимизни бойитиб боришни талаб этмоқда. Бунда, албатта, интернет тармоғи бизга кўмакчи вазифасини ўтамоқда.

Шу билан бирга, у бизга барча соҳаларга оид ноаниқлик, яъни онгимизга мавҳум бўлган тушунчалар ҳақида очик, оддий ва раван маълумот берувчи ахборот манбаи ҳамдир. Табиийки, ушбу омилга эътижмандлар сонундан-қунга ортиб бормоқда.

Мазкур тармоқ бутун дунё миқёсида глобал тармоқдир. Зеро, унда мавжуд янгилликлардан хабардор этувчи матнлар, тасвир ҳамда овоз хизматлари ва бир қатор имкониятлар барча жаҳонда катта энгилликларни юзага келтираётган бўлса-да, аммо иккинчи томондан инсониятни беихтиёр виртуал оламга жалб этиб бормоқда. Интернет тармоғидаги ижобийлик инсоннинг фан, соҳа ва фаолиятига боғлиқ муҳим аниқ далилларга эга бўлишида ҳар томонлама қулайлиги ва вақт тежалишига олиб келиши кундек равшан.

Лекин қизиқувчанлик сабабли интернет ахборотларидаги ортиқча маълумотларга ҳаддан зиёд берилиб кетиш ҳам бор гап. Шу бос ундан фойдаланиш инсоннинг ўз тафаккуридан келиб чиққан қоидалар асосида бўлиши кераклиги ҳамда ундаги меъёр талаблари, яъни интернет тармоғидан ахборотларни тўғри танлаш ҳар жиҳатдан ўринлидир. Ушбу тармоқ воситасининг ўз ичига қамраб олган ахборотлар миқёси шу қадар кенг ва кўп эканлиги гоҳида ўзимизга керакли бўлган маълумотларни ажратиб олишида ҳам қийинчилик туғдирмоқда.

Давлатимиз раҳбари 2020 йил декабрь ойида Олий Мажлисга Мурожаатномасида “ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби”, деган фикрларни алоҳида қайд этган эди. **Интернетдан фойдаланиш ҳуқуқи инсоннинг сўз эркинлиги ҳуқуқи доирасига киради.** Бу ҳуқуқ турли ахборот ва ғояларни қидириш, олиш ва тарқатиш эркинлигини қамраб олади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш вазифаси белгиланган. Яъни, фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш учун фақат қонунда назарда тутилган ҳолатларга таяниб иш тутиш кераклиги жуда долзарбдир. Айрим идоралар, айрим мансабдор ва ваколатли шахслар бу қатъий қоидага, қонунларга амал қилмайдиган ҳолатлар ҳам йўқ эмас. Бундан кўз юмиб бўлмайди.

Конституцияимизнинг 29-моддасида ҳар бир шахснинг интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш ва ундан эркин фойдаланиш ҳуқуқи ҳамда уларни чеклашга қайси ҳолларда йўл қўйилиши аниқ белгиланмоқда.

Айтиш мумкинки, бу меъёр амалдаги қатор қонунларда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги қонуннинг 3-моддасида ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланиши, ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилиниши белгиланган. “Ахборотлаштириш тўғрисида”ги қонуннинг 12-моддасига асосан ахборот ресурсларидан фойдаланувчилар ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши назарда тутилган. Бундан ташқари, ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлигига оид нормалар “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида”ги ва бошқа қонунларда мустаҳкамланган.

Интернет орқали ахборот излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги алоҳида мажбурият ва масъулият юклайди ва табиийки, уларга нисбатан қонунга мувофиқ айрим чекловлар ўрнатилиши табиий ҳолат. Ҳар ким бу ҳуқуқдан қонунларни бузмайди даражада фойдаланиши маъқул бўлади.

ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

ҚОҒОЗБОЗЛИК, ОВОРАГАРЧИЛИК ВА КУТИШЛАР...



Фирдавс ШАРИПОВ,
Олий Мажлис
Қонунчилик палатаси
депутати,
ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

— Айна пайтда парламентда муҳокамада бўлган “Электрон рақамли имзо тўғрисида”ги қонун лойиҳаси жуда долзарблигини алоҳида қайд этиш лозим. Боси, бугун барча соҳаларда рақамлаштириш, электронлаштириш тартибларига ўтпмиз. Бу қонуннинг энг аҳамиятли жиҳати, қоғозбозликлар, овозагарчиликлар, кутишлар, ҳатто молиявий маблағларнинг тежалишига ҳам олиб келади.

Шу пайтгача юридик шахсларга бевосита электрон рақамли имзодан фойдаланиш имконияти мавжуд эмасди. Мазкур қонун билан бундан фойдаланиш имконияти берилди. Бу, албатта, катта энгиллик беради.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, мамлакатимизда инвестициявий жозибadorлик, ташқи инвестиция, ички инвестиция билан боғлиқ масалалар жуда муҳим ва долзарб. Айниқса, ташқи инвестицияда ҳужжатлар четдан кириб келади, расмий-

лаштирилади, имзоланади, тасдиқланади. Ҳамкорликда олиб бориладиган бу жараёнларда кўплаб ноқулайликлар кузатишган. Дунё шиддат билан ривожланыпти. Ҳар бир дақиқанинг қадри, молиявий масалалар муҳим ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хорижий электрон рақамли имзоларни тан олиш, имзо чет элда тан олинишини назарда тутувчи меъёр ҳам киритилмоқда.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати, ахборот коммуникация технологиялари ва электрон ҳукуматни жорий этиш жараёни жаддалашади. Электрон хизмат кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Шунингдек, бу бюджет маблағларини тежаш имконини беради. Ахборот алмашини тезлиги ошади, овозагарчиликларнинг олди олинади.

Қонун қабул қилиниши электрон рақамли имзодан фойдаланиш тезлиги ва аҳамиятини янада кучайтиради.



Саҳифани Гулрух ОДАШБОВЕВА
тайёрлади.

НАМКОРЛИК

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

ИССИҚКЎЛДАН ИЛИҚ ТААССУРОТ

XXI АСРДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚАНДАЙ РИВОЖЛАНАДИ?

**ЎТГАН ҲАФТА
ҚИРҒИЗИСТОННИНГ
ИССИҚКЎЛ ВИЛОЯТИ
ЧЎЛПОНОТА ШАҲРИДА
МАРКАЗИЙ ОСИЁ
ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ
ТЎРТИНЧИ МАРТА
МАСЛАХАТЛАШУВ УЧУН
ЙИҒИЛДИ. БИРИНЧИ
МАСЛАХАТЛАШУВ
УЧРАШУВИ 2018 ЙИЛ
МАРТ ОЙИДА ОСТАНАДА,
2019 ЙИЛ НОЯБРАДА
ТОШКЕНТДА, 2021
ЙИЛДА ЭСА ЕТАКЧИЛАР
ТУРКМАНИСТОННИНГ
«АВАЗА» МИЛЛИЙ
ТУРИСТИК МАРКАЗИДА
УЧРАШИШГАНДИ.**



Маслаҳат учрашувларидан кўзланган мақсад, уларнинг аҳамияти ҳақида узоқ ёзиш мумкин. **Юртга, қўшни халқлар тақдирга бефарқ бўлмаган ҳар бир инсон давлат раҳбарларининг маслаҳатлашиб туриши, мамлакатлар дўстона бордикелди қилишининг кадрини жуда яхши тушунади, албатта.** Қисқа қилиб айтганда, минтақа салоҳиятини ҳар томонлама юксалтириш стратегик масалалар марказида турибди.

Иссиқкўлдаги учрашувда «XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида» шартнома имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон етакчилари дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади.

НУТҚЛАР

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Президенти бу форматдаги учрашувларнинг самараси одамлар ҳаётида сезила бошлаганини айтир экан, аввало, минтақа давлатларининг фуқаролари бир давлатдан бошқа давлатга осон ҳаракатланиши мумкин эканини таъкидлади.

Шунингдек, минтақадаги давлатлар Марказий Осиё манфаатларини ҳимоя қилиш учун қатъий чоралар кўриши, керак бўлса, Ўзбекистон бунга тайёрлиги айтилди.

Марказий Осиё давлатлари учун сув масаласи жиддий ҳисобланади. Айнан сув эhtiёжи ортидан тушунмовчиликлар ҳам бўлиб туради. Шавкат Мирзиёев чиқишида ҳамкорларга Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган «Марказий Осиё учун «яшил» кун тартиби» дастурини тақлиф қилди. Дастурда муқобил энергетикани ривожлантириш, ўзаро электр энергияси етказиб беришни ташкил этиш, сув тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг тарғиб қилиш ҳақида муҳим масалалар кўзда тутилган. Дунё мисли кўрилмаган энергетик инқирозни бошдан кечириётган бир вақтда, айниқса, электр энергиясини ўзаро алмашиш масаласи минтақа учун муҳим ҳисобланади.

Шавкат Мирзиёев минтақа етакчилари иштирокидаги анжуманда хавфсизлик масаласига ҳам тўхталди. Уюшган жиноятчилик, наркотрафик каби анъанавий таҳдидларга қарши биргаликда курашишда давом этиш лозимлигини таъкидлаш асносида бугун ривожланиб бораётган интернетдаги ноқонуний фаолиятлар билан боғлиқ хатарларни ҳам безэтибор қолдириб бўлмастлигини айтди. Бугун ушбу таҳдидлар йўлида ҳеч қандай чегара йўқ – улар мобил телефонлар орқали кириб келмоқда, деди Президент.

Интернетдаги хатарлар ҳақида гапирар экан, Мирзиёев яқинда Ўзбекистонда рўй берган Нукус воқеаларини ҳам тилга олди: афсуски, минтақамизда беқарор вазиятни вужудга келтиришга уринаётган бузғунчи кучлар мавжуд экани яна бир бор тасдиқланди.

Қосим-Жўмарт ТЎҚАЕВ

Шавкат Мирзиёев қўллаган Хавфсизлик кенгаши котибларининг маслаҳатлашуви бўйича учрашув тақлифи Қозоғистон Президенти Қосим-Жўмарт Тўқаевдан чиққан-

ди. Тўқаев ташқи ишлар вазирлари ҳам олти ойда бир учрашиб туришини тақлиф қилган.

Қозоғистон Президенти бундай форматдаги учрашувларда «чегараларни қулфлаб қўйиш» ярамаслигини таъкидлаб, кейинги учрашувларда Россия ва Хитойдан вакиллар чақириб кераклигини айтди.

Тўқаев Марказий Осиё давлатлари чегара масаласидаги тушунмовчиликларни замонавий инсонлардек кўролсиз, дипломатик йўл билан ҳал қилиши кераклигини ҳам айтди.

Қозоғистон Президенти минтақадаги транспорт логистикасини ривожлантириш зарурлиги ҳақида гапириб, мамлакат «Мозори Шариф – Кобул – Пешовар» темирйўлини қуришда иштирок этишга тайёрлигини билдирди.

» **МАРКАЗИЙ ОСИЁ
МАМЛАКАТЛАРИНИНГ
ҚАНЧАЛИК
БИРЛАШИШИ,
ҲАМКОР ВА ДЎСТ
БЎЛИБ ЯШАШИ
ДУНЁДАГИ ЎРНИМИЗ,
АҲВОЛИМИЗНИ
БЕЛГИЛАБ БЕРАДИ.
ҲОЗИР ТОР, КАЛТА
ИСТАКЛАРГА
ЎРАЛАШИБ
ҚОЛАДИГАН ЭМАС,
КАТТА ВА ЭЗГУ МАҚСАД
ҚЎЙИБ ҲАРАКАТ
ҚИЛАДИГАН ТАРИХИЙ
МУҲИМ ПАЛЛАДАМИЗ.**

Имомали РАҲМОН

Тожикистон Президенти маслаҳатлашувдаги чиқишида Афғонистондаги ҳолат ҳақида гапирди. Унинг фикрича, «Толибон» ҳаракати мамлакатдаги сиёсий вазиятни унда далай оладиган ҳолатда эмас.

Ортда қолган вақт давомида «Толибон» халқаро ҳамжамият ва Афғонистон халқини ўз ҳукумати легитимлигига ишонтириш учун ҳеч нима қилмагани, улар мамлакатдаги сиёсий вазиятни, фуқаролар хавфсизлигини ҳамда юзага келаётган иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал қиладиган ҳолатда эмаслиги, толиблар турли этник гуруҳларни камситиб, кескин диний консерватизм йўлидан бораётгани қайд этилган.

Садир ЖАПАРОВ

Чегараларни делимитация қилиш учун Ўзбекистон ва Тожикистон билан ишлашда давом этишимиз. Шуни таъкидламоқчиманки, чегараларни тинчлик ва фаровонлик ҳукм сурадиган жойларга айлантириш учун сиёсий ирода кўрсатишимиз, деди Жапаров.

Иқлим ўзгаришлари сабаб сув ресурслари миқдори кескин камайиб кетмоқда. Бу минтақадаги озиқ-овқат хавфсизлигига жиддий хавф туғдиримоқда. Қирғизистон Марказий Осиёдаги сув ресурсларини сақлагани ва тақсимлаш учун етарлича компенсация олмапти, деди Жапаров.

Шунингдек, Қирғизистон Президенти минтақа давлатларини рақобатлашиш эмас, ҳамкорлик қилишга чақирди.

Сердар БЕРДИМУҲАМЕДОВ

Туркманистон Президенти минтақадаги давлатлар эътибор бериши керак бўлган учта хавфни айтди: минтақадаги вазиятни издан чиқаришга уриниш, терроризм ва ра-

дикал диний ташкилотлар хавфи, чегаралар яқинидаги ҳарбий низолар.

Сердар Бердимухамедов Марказий Осиё ташқи таъсирлардан холи ҳудудга айланиши учун минтақа давлатлари бирдамликда ҳаракат қилиши кераклигини таъкидлади. Шунингдек, Марказий Осиёдаги барқарорликни сақлаш учун яқин 2 йилга мўлжалланган йўл харитаси ишлаб чиқишни тақлиф этди.

ИНТЕГРАЦИЯ – ЗАРУРАТ

Марказий Осиё минтақасида жойлашган 5 та Республикани тарихан шаклланган дин, урф-одат, маданият, асосийси, келажак бирлаштиради. Бу минтақада халқлар, одамлар бир-бирини қийинчиликсиз тушунади. Улар минг йиллар давомида битта йўлдан юришган, бир бозордан савдо қилган, бирга улоқ чолиб, бирга кураш тушишган. Мустақилликнинг заҳматини ҳам бирга чекишган.

Бугун эса улар ишончли келажак учун биргаликда интилоқда. Марказий Осиё аҳолисини умумий экологик, географик ва ривожланиш муаммолари ҳам боғлайди. Мураккаб табиий ресурслар ҳимояси, денгиз портларига чиқишининг мушкуллиги, сугоришининг етишмаслиги ва транспорт йўлларининг етишмаслиги минтақа учун умумий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, масалан, сувга бой, лекин энергияга камбағал Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари энергияга бой, аммо сувга камбағал Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистон билан ҳаётий ўзаро боғлиқдир.

Қолаверса, шу йил аввалида бошланган Россия – Украина можаролари фонидан бутун дунёда, айниқса, денгиз йўлидан узоқда жойлашган давлатларда логистика муаммолари яққол сезилди.

Марказий Осиёдаги интеграцион жараёнларга бефарқ қараб туролмайдиган нафақат буюк кучлар, балки минтақавий куч марказлари ҳам мавжудлиги таъкидланмоқда. Дунёдаги турли ОАВ, масалан, бу ҳудуд Хитойни Европа билан боғлаши, Хитойнинг «Бир макон, бир йўл» дастурига Марказий Осиё ҳам кириши, Россия, Эрон ва Туркия ҳам бу ҳудудни стратегик аҳамиятга эга, деб ҳисоблаши ҳақида ёзмоқда.

Бундан ташқари, 2019 йилда Европа Иттифоқи, 2020 йилда эса АҚШ Марказий Осиёдаги мавқеини мустаҳкамлаш учун янги стратегия ишлаб чиққани Фарб бу минтақага алоҳида эътибор қаратаётганини англатиши тўғрисида фикрлар билдирилмоқда.

Ҳамма бу ерга кўз тиккан, ҳар ким ўзи-га керагини олмоқчи. Марказий Осиёнинг равнақ топиши учун эса минтақа лидерлари биргаликда, ҳамкорлик, ҳамжиҳатликда ҳаракат қилмоқда. Халқларимизда «Айрилгани айиқ ер», деган гап бор. Бугун шу ўғитни шиорга айлантириш керакдек гўё.

Минтақавий интеграцияга намунали мисол сифатида Жануби-Шарқий Осиё давлатлари ассоциациясини эслашнинг ўзи етарли. Маълумки, ушбу ассоциация 1967 йилда ташкил этилган бўлиб, «ASEAN», деб номланади. Уша вақтларда яхши ривожланмаган, иқтисодий имкониятлари катта бўлмаган Индонезия, Малайзия, Сингапур каби давлатлар яқин ҳамкорликка киришган ва биргаликда юқори натижаларга эришган. Шу маънода «ASEAN» тараққиёт йўлидаги тўсиқларни енгиб ўтишда самарали ҳамкорликнинг ва глобаллашган дунёда муваффақиятга эришишининг ажойиб намунасидир.

Марказий Осиё мамлакатларининг қанчалик бирлашиши, ҳамкор ва дўст бўлиб яшаши дунёдаги ўрнимиз, аҳолиимизни белгилаб беради. Ҳозир тор, калта истакларга ўралашиб қоладиган эмас, катта ва эзгу мақсад қўйиб ҳаракат қиладиган тарихий муҳим палладамиз.

Омадингни берсин, йўлларинг очиқ бўлсин, МАРКАЗИЙ ОСИЁ!

**Аҳмад ҚУРБОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.**



КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРДА ЁШЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТМОҚДА

**Бугунги кунда жойларда
«Ўзбекистон Республикасининг
Конституциясига ўзгартиш
ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Конституциявий
қонуни лойиҳасининг
муҳокамалари қизғин руҳда
кечмоқда.**

Яқинда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети ҳамкорлигида ўтказилган «Конституция – инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий давлат кафолати» мавзусидаги очиқ мулоқот ҳам иштирокчиларнинг фаоллиги остида ўтди.

Мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ЎзХДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари, университет профессор-ўқитувчилари ва фаол ёшлар иштирок этиб, бугунги кунда олиб борилаётган конституциявий ислохотларнинг аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Таъкидланганидек, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли «Ўзбекистон — ижтимоий давлат», деган тамойилнинг конституциявий қоида сифатида муҳрланиши кўзда тутилмоқда. Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда туттади. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етарли иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Бундан ташқари, учрашувда Конституцияда аҳолига тиббий ва ижтимоий хизматларнинг акс эттиши, инсон қадрини улуғлаш, инсон ҳуқуқлари кафолатини мустаҳкамлаш йўлича белгилаётган метаболар ҳақида тўхталиб ўтилди. Иштирокчилар ҳам Конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, қатор жўяли тақлифлар бердилар.

— Бугун Конституциявий ислохотлар жараёни қизгин кечаётганини бутун халқимизнинг фаоллигида кўриш мумкин, — дейди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Тўлқин Тўрахонов. — Жамиятимизнинг барча қатлами вакиллари жараёнларда фаол иштирок



этиб, қонун лойиҳасига тақлифлар билдирмоқда. Бугунги учрашув давомида эътиборимизни тортган жиҳатлардан бири ҳам ёш курсантлар ушбу сиёсий жараёнларга бефарқ эмаслиги бўлди. Улар ўзларининг ўринли тақлифларини билдириб, саволларини беришмоқда. Қонун устувор бўлган юрtda ривожланиш бўлишини қайд этишмоқда. Демак, жамиятимиз ёшлари мамлакатимизнинг бугунги ва эртаси ҳақида қайғуряпти.

Учрашув давомида билдирилган тақлифлар қайд этиб олинди. Ёшларнинг мазкур сиёсий жараёнлардаги янада фаол иштироки ўз келажиги учун муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

**Мухтарама КОМИЛОВА,
ЎЗА.**

ДАВЛАТ ДАСТУРИ – ДАВЛАТНИНГ МАЪЛУМ ВАҚТ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР РЕЖАСИ ҲИСОБЛАНАДИ. БУ МУДДАТ ОДАТДА БИР ЙИЛНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ. ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ҲАМ ИФОДАЛАЙДИ. ЖАМИЯТНИНГ ҲАР БИР ЖАБҲАСИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН ИСЛОХОТЛАР УНИНГ РИВОЖИ, АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ, ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ. ЛЕКИН У ҲАР ДОИМ КЎЗЛАНГАН МАҚСАДГА ЕТИБ БОРАДИМИ? МУТАСАДДИЛАР УНИНГ ИЖРОСИ УЧУН ҚАНЧАЛИК ЖОН КЎЙДИРИШАДИ?

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ЙИЛДА ИККИ МАРТА БУ МАСАЛАДА ЭШИТУВ ЎТКАЗАДИ. КУНИ КЕЧА ДЕПУТАТЛАР ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ “ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 2022 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИКДА БАЖАРИЛИШИ ЮЗАСИДАН ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲИСОБОТИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР. КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА ЮЗАСИДАН БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ – ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАТИРИШ ВАЗИРИ ЖАМШИД КЎЧҚОРОВ МАЪРУЗА ҚИЛДИ.

Мазкур масала дастлаб Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, депутатлар тегишли Ҳукумат аъзоларидан кўтарган саволларига аниқ жавоблар олди.

Таъкидланганидек, Давлат дастури 7 та устувор йўналиш бўйича 100 та мақсад ва 398 та банддан иборат. Дастурининг жами 607 та яхлит ва кичик бандларида назарда тутилган топшириқлардан 215 тасининг ижро муддати 2022 йилнинг февраль-июнь ойлари этиб белгиланган. Шундан 137 та банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилган, 10 тасининг ижро муддати узайтирилган. Қолган бандлар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган тегишли ҳужжат лойиҳалари кўриб чиқилмоқда.

Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан геосиёсий вазият билан боғлиқ хатарлар бўйича ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида 2022 йилнинг биринчи ярим йиллигинда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,4 фоизни ташкил қилгани алоҳида қайд этилди.

Давлат дастурида инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш борасида белгиланган берилган устувор йўналишлар доирасида қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, маҳалла институти фаолиятининг самардорлигини ошириш, уни жамоатчилик бошқаруви ва



ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИДАН МУТАСАДДИЛАРНИНГ ЎЗИ ҚОНИҚАДИМИ?

аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган 20 дан ортиқ янги инструментлар жорий этилди.



Дилбар МАМАДЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ҳисобот даврида ҳукумат томонидан бир қатор амалий ишлар бажарилгани айтиб ўтилди. Хусусан, партияимиз Сайловодди дастурида белгиланган бошланғич таълим (1-4 синф) ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш тизими Қорақалпоғистон Республикасининг 726 та, Хоразм вилоятда эса 549 та мактабда жорий этилган.

Шунингдек, бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган масалаларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича фракцияимиз аъзолари давлат ва

препаратлар ва тиббий жиҳозларни маҳаллий ишлаб чиқаришда маҳсулотлар сифатини халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш, уларни аҳолига қулай нархларда тақлиф қилиш бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотларга тақлифлар берилди.

Шунингдек, Давлат дастурининг бажарилмай қолган бандлари бўйича тушунтиришлар сўралди. 70-бандда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва йиллик инфляция даражасини босқичма-босқич 5 фоизгача пасайтиришга оид республика ҳудудларида савдо инфратузилмасини ривожлантириш масалалари белгиланган. Унга кўра, ҳар бир ҳудудда йирик улгуржи-савдо марказлари, жумладан, логистика, музлатгич, омборхоналарни, йирик туман, шаҳарларда камида 3 тадан замонавий савдо марказларини ташкил этиш, кишлоқ жойларда кўча савдо нуқталарини кўпайтириш каби муҳим ишлар назарда тутилган бўлса-да, ижроси ҳақида айтарли маълумот йўқ. Демак, Давлат дастури ижроси ҳақида жиддий мушоада юритилган вақт келмоқда. Чунки йил ярмидан ошиб қолди.



Қизилгул ҚОСИМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ҳисоботда тиббий хизматларни яхшилаш мақсадида 76 та оилавий шифокор пунктлари, 20 та оилавий поликлиникалар ҳамда 505 та маҳаллада тиббиёт пунктлари ташкил этилгани айтиб ўтилди. Натижада 1,8 млн. нафар аҳолига ўз яшаш жойида бирламчи тиббий-санитария хизматидан фойдалана олиш имконияти яратилган.

208 та кўп тармоқли туман марказий поликлиникалар ҳамда Тошкент шаҳридаги 70 та оилавий поликлиникада болалар бўлимлари ташкил этилган, 4,7 млн. фуқаро скрининг текширувидан ўтказилгани, бирламчи тиббий-санитария хизмати муассасалари учун Давлат бюджетидан дори воситалари ва тиббий буюмларга 598 млрд. сўм маблағ ажратилгани, аҳолига бепул бериладиган дори воситалари ва тиббий буюмлар 66 турдан, 120 турга етказилгани ва бошқа йўна-

лишлар ҳақида батафсил ахборот берилди. Буларнинг барчаси аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий ёрдам сифатини оширишга хизмат қилади, албатта.

Лекин дастурда белгиланган вазифалар тўлиқ ижро этилмагани жойларга чиққанда, сайловчилар билан учрашганда маълум бўлмоқда. Юртбошимиз эътибори билан ажратилаётган маблағларнинг самарали, мақсадли ва манзилли ишлатилиши мутасадди раҳбарларнинг масъулиятига боғлиқлигига амин бўласан. Ҳолатлар республика бўйлаб бир хил эмаслиги бунинг тасдиғини кўрсатади. Ҳозир аҳоли саломатлигига таҳдидлар кўпайган давр. Шундай пайтда ижро интизомини кучайтириш долзарб масаладир.

Ҳисобот даврида 644 мингдан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилган ҳолда, уларга кўрсатиладиган 41 турдаги хизматлар тўплами жорий қилинган айтилади. Ушбу дафтарга киритилган хотин-қизларнинг 68,6 фоизига амалий ёрдамлар кўрсатилиб, 156 минг 515 нафар хотин-қизлар касбларга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилгани ва уларнинг бандлиги таъминлангани қайд этилган.



Гулшан АСАТОВА, ЎзХДП Марказий Кеңаши “Фаол аёллар” қаноти раҳбари:

– Партияимиз ўз фаолиятида Давлат дастури ижросига ҳам эътиборда бўлади, албатта.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни касб-хунарга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг жойлардаги бўлимлари билан ҳамкорликда “Аёлларга кўмак” лойиҳаси доирасида бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилиб, Бандликка кўмаклашиш марказлари 14 мингдан ортиқ бўш иш ўрни билан иштирок этди. 3616 нафар аёлларнинг ишга жойлашиши, 945 нафарига кредит олиши, 479 нафари субсидия олиши, 920 нафарига ўз бизнесини очиш учун ёрдам берилди. Шунингдек, 3569 нафар аёллар касб-хунари

ганиш учун ўқув марказларига жалб қилинди, 2662 нафар аёллар эса шогирдликка бириктирилди.

“Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида” Президент қарори билан жойларда нодавлат нотижорат ташкилот мақомига эга бўлган Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари ташкил этилди ва улар томонидан бажариладиган бир қатор муҳим вазифалар белгилаб берилди. Яъни, мушкул иқтисодий аҳволга тушган аёлларни меҳнат бозорида талаб этилаётган касблар бўйича қайта тайёрлашдан бошлаб, уларнинг ишга жойлашишига, тадбиркорлик билан шуғулланиш истagini билдирган аёлларга бизнес режалар тузишда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишга, маҳаллалардаги бўш турган бинолардан жой ажратилишига кўмаклашиш ва ҳаттоки, ишончли ҳамкорларни топиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг реализация қилинишига ёрдам бериш вазифалари юклатилган.

Лекин, афсуски, айрим марказларнинг ўзи ёрдамга муҳтож, амалиёт ўташ учун зарур шароитларга эга эмас, чекка ҳудудларда аёлларни ўқитиш учун имкониятлар яратилмаган, жой, транспорт масаласи муаммо. Партия гуруҳларимиз билан ҳамкорликда ушбу қарорнинг жойлардаги ижроси ҳам ўрганиб чиқилганда қатор камчиликлар борлиги маълум бўлди.

Ҳар қандай дастур, қонун, қарор, фармон ижроси назорат қилинсагина ишлайди, одамларга тўлиқ фойдаси тегади. Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари фаолиятини ўрганиб, таҳлил қилинса, унинг самарали фаолият юритишига кўмак берилса, юзлаб хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга эришамиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, интилишларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, уларнинг таълим олиши, касб-хунари ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва бандлигини таъминлаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Хусусан, республикадаги 9348 та маҳаллада “Ёшлар баланси” шакллантирилди. Уни юритиш тўлиқ рақамлаштирилиб, ишга туширилган электрон платформа давлат органлари ахборот тизимларининг 19 турдаги маълумотлар базаси билан интеграция қилинди. Натижада электрон платформага киритилган ёшлар тўғрисидаги маълумотларни инсон омилсиз доимий янгиланган бориш имконияти яратилди.

Абдулло САЙФУЛЛАЕВ, Навоий шаҳридаги “Маърифат” маҳалласи ёшлар етакчиси:

– Бу платформанинг ташкил этилиши фаолиятимизда жуда катта энгиллик бўлди. Хатловларни январь ойида бошлаганимиз. Айни пайтда ҳудудимизда 821 нафар йигит-қиз рўйхатга олинган. Бу рақам, албатта, ўзгариб туради. Боиси, ўқишга, ишлашга кетганлар бор, қишлоқ учун келадиганлар бор. Ёшлар ҳақидаги маълумотларнинг электрон базага киритилиши унинг шарт-шароити, ҳолатини аниқлаш имконини беради. Уларнинг бандлик, таълим даражаси, оилавий, ижтимоий ҳолати, саломатлиги, ногиронлиги, ютуқлари ҳақида билиш мумкин бўлади.

Бу, албатта, бошқа энгилликларни ҳам келтириб чиқаради. Турли давлат идораларига қоғоз ҳужжатлар кўтариб юрмаймиз. Тақдим этиладиган маълумотлар тайёр ҳолда электрон тартибда узатилади. Ёшларнинг муурожаатларини қондириш мақсадида кўриб чиқилган аниқталар тайёр ҳолида бўлиши кўплаб овозгарчиликларнинг олдини олиш, вақт тежаллиши имконини беради.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида ёшларнинг ижтимоий ҳолатидан келиб чиқиб 20 турдаги ёрдам ажратилмоқда. Айрим ёшлар ўзини ўзи банд қилиш мақсадида субсидия сўраб муурожаат қилса, баъзилари ойлик маоши тайин бўлган иш масаласида муурожаат қилади. Ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида уларга зарур ёрдам кўрсатилиб, муурожаатлари қаноатлантирилади.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар ҳисобот даврида қилинган ишларни эътироф этган ҳолда, Давлат дастурининг айрим бандлари ижроси кечикаётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Тақдим этилган ҳисобот, унда келтирилган ҳар бир рақам ва таҳлиллар депутатлар томонидан атрофлича кўриб чиқилиб, Давлат дастурининг 2022 йил биринчи ярим йиллиқдаги ижросига оид ҳисобот қўллаб-қувватланди.

Гулрух ОДАШБОВА, “Ўзбекистон овози” муҳбири.

Муҳокамалар жараёнида депутатлар ҳисобот даврида қилинган ишларни эътироф этган ҳолда, Давлат дастурининг айрим бандлари ижроси кечикаётганига алоҳида эътибор қаратдилар.

назоратининг таянч бўғинига айлан-тириш мақсадида “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимида оила таркибини автоматик тарзда шакллантириш функцияси яратилди. Бу орқали кам даромадли оилаларни нафақа қамрови кенгайтиб, нафақа кўрсатиш имкони яратилди. Кам таъминланган оилалардаги болаларни парваришлаш учун тўланадиган нафақа қамрови кенгайтиб, нафақа тайинлашда инобатга олинадиган болалар ёши 14 ёшдан 18 ёшгача оширилди, мазкур тўлов муддати 6 ойдан 12 ойгача ҳамда нафақа миқдори ўртача 1,5 бараварга оширилди, ишсизлик нафақаларининг энг кам миқдорлари 3,2 бараварга оширилди,

хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига кўплаб депутатлик сўровлари юборилган. Лекин ушбу сўровларга асосланган жавоблар олинишида муаммолар мавжуд. Шундан келиб чиқиб, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига юборилаётган депутатлик сўровларига жавоб берилиши устидан назоратни кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, фармацевтика sanoati маҳсулотларига аҳолининг талаблари кўпайиб бориши, тиббий жиҳозларга эҳтиёжларнинг юқорилигини ҳисобга олиб, кундалик эҳтиёжлар учун керак бўладиган

MATBUOT ANJUMANI

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi

facebook.com/uzbekistonovozi

instagram.com/uzbekiston_ovozi

info@uzbovozi.uz

www.uzbovozi.uz

МАРКАЗИЙ БАНК РАИСИ ХОТИРЖАМ

КЎПЧИЛИКНИ ЎЙЛАНТИРГАН САВОЛЛАРГА ЖАВОБ БЕРИЛДИ

Жаҳонда содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисалар жиддий иқтисодий-молиявий оқибатларни келтириб чиқармоқда. Нефть маҳсулотлари ва электр энергия ресурсларига бўлган талабнинг ортиб бориши натижасида нарх кўтариляпти. Дунё бўйича озиқ-овқат ва ичимлик суви танқислиги ҳам тобора ортиб бормоқда. Мазкур салбий ҳолатлар оқибатлари глобаллашган иқтисодиётнинг бир қисми сифатида Ўзбекистонга ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Дунёдаги мураккаб вазиятда мамлакатимизда молиявий ҳолат қандай, деган савол ҳар бир юрtdошимизни ўйлантириши табиий. Марказий банк бошқаруви раиси Мамаризо Нурмуратов матбуот анжуманида ҳар бир оилга дахлдор масалалар ҳақидаги саволларга жавоб берди.

Ўтган ҳафта Марказий банк асосий ставка йиллик 15 фоиз этиб белгилангани тўғрисида ахборот берди. Асосий ставка жорий йилнинг март ойида 17 фоиз, июнь ойида эса 16 фоиз бўлган.

– Дунё иқтисодиётида содир бўлаётган глобал ўзгаришлар, яъни баъзи давлатларнинг иқтисодий аҳоли оғирлашаётган бир пайтда асосий ставканинг 15 фоиз этиб белгиланиши молиявий ҳолатимизни оғирлаштириб қўймайдими?

– Бундай бўлмади. Чунки, май-июль ойларида қисқа муддатли ташқи шоклар таъсирининг пайсиши ҳисобига макроиқтисодий ҳолатнинг нисбатан барқарорлашиши ҳамда тартибга солинадиган нархларни эркинлаштириш бўйича қўшилган юклар олиб ташлаш, шунга мос равишда, пул-кредит шароитларини ҳам ўзгартириш имконини берди ва биз асосий ставкани йиллик 15 фоиз этиб белгилдик.

– Ўзбекистонда нақд чет эл валютаси олиб келишда чеклов қўйилиши хавфи борми?

– Ўзбекистонга АҚШ федерал банкларидан нақд чет эл валютасини олиб келишда чеклов қўйилиши хавфи ҳақиқатан ҳам мавжуд. Олдинлари Ўзбекистон ва қўшни давлатларнинг тижорат банклари нақд чет эл валютасини асосан Россия банкларидан олиб кирар эди. Бугунги кунда Россия банкларига қўйилган чекловлар банкларимизнинг имкониятларини кескин чеклаб қўйди. Шу сабабли, Марказий банк март ойидан бошлаб марказлашган тартибда Нью-Йорк федерал захира банкидан нақд валюта банкнотларини олиб келиб, тижорат банклари буюртмасига асосан, ҳар ойда 1-2, айрим пайтлари 3 марта нақд валютага бўлган талабни қондириб келмоқда.

Марказий банк ушбу ҳаракатлар билан юқорида келтирилган муаммони ечишга интилоқда. Лекин бу тижорат банкларининг ўзлари ҳам нақд чет эл валютаси олиб келиши мумкин эмас, деган хулосага олиб келмаслиги керак. Уларнинг ўзлари ҳам Европа давлатларидан валюта олиб келиб, валюта айирбошлаш ва пул ўтказмалари операцияларида фойдаланяпти. Аслида, бу каби вазифалар Марказий банкнинг функционал

мажбуриятига кирмайди, лекин биз чекловлар ўрнатилган мамлакатларда кузатилаётган муаммолар Ўзбекистонда ҳам юзага келишининг олдини олиш учун шу ишни, яъни нақд валюта олиб келиб тарқатишни йўлга қўйдик. Охириги икки ойда 2,5 миллиард доллардан ортқ банкнотларни олиб келиб, банкларга тарқатдик.

Шу боисдан ҳам бугунги кунда Ўзбекистонда нақд доллар ёки евро тақчиллиги ҳолатлари кузатилмаяпти. Тижорат банклари ички бозорда нақд хорижий валюта етариллигини таъминлаб келишмоқда. Мавжуд нақд валюта захиралари ўртача 3-4 ойлик нақд айирбошлаш операцияларига бўлган талабни тўлиқ қондира олади.

– Трансчегаравий пул ўтказмалари кескин ошгани ростми? Ҳақиқатан ҳам Россиядан рубль келиб, Ўзбекистондан доллар чиқиб кетаяптими?

– Трансчегаравий пул ўтказмалари кескин ошгани борасидаги хавотирларга асло ўрин йўқ. Пул ўтказмалари таркибига рублнинг улуши бор-йўғи 3 фоизни ташкил этади. Юқори ўсишда аввалги норасмий пул жўнатмаларининг расмий каналларга ўтгани ҳамда кичик ва ўрта экспортларнинг ўзгарган шароитдаги фаолияти мўҳим ўрин тутган.

Пул ўтказмалари ошганининг бир нечта сабаблари мавжуд. Биринчидан, апрель ойидан бошлаб халқаро майдонда сезиларли ўзгаришлар бўлди. Йилнинг биринчи ярмида пул ўтказмалари ўтган йилгига қараганда 2 баробарга ўсди. Ҳамма давлатлардан келиб тушадиган пул ҳажмларида ўсиш кузатяпти. Ўсишнинг асосий қисмини Россиядан келадиган пул ўтказмалари ташкил қилади. Трансчегаравий пул ўтказмаларининг таркибига қарайдиган бўлсак, 199 миллион долларни Россия рублида келиб тушган.

– Баъзан ўқиб қоламан, – дейди Мамаризо Нурмуратов. – Россиядан рубль келиб, Ўзбекистондан доллар чиқиб кетяпти деган фикрлар бор, лекин бу атиги 3 фоизни ташкил қилади. Барчани қизиқтирган томони 199 миллион доллар эквивалентидаги рублнинг 87 фоизи сўм тариқасида олинган. Бизда бешта банкимиз Россия банклари билан Р2Р орқали пул ўтказмаларини йўлга қўйган, бу ўша йўналишлар орқали келган пуллар бевосита аҳолига сўм тарзида берилётганини кўрсатди. Иккинчидан, ўша келаётган валютанинг ички бозорда қай шаклда ҳаракатланаётгани



ҳам жуда мўҳим. Ўтган вақт мобайнида Россиядан 6,5 миллиард долларлик пул ўтказмалари келган, уларнинг қарийб 5,6 миллион долларлик қисми ички бозорда сотилди.

Пул ўтказмаларининг кескин ошишига сабаб бўлган ҳолатлардан биринчиси бу – Россияда нақд ва нақдсиз валюта курси ўртасида 30 фоизгача фарқ пайдо бўлди. Иккинчиси эса нақд валютани банклардан сотиб олиш ва топишда ҳам муаммолар юзага келди. Чунки, банклар тушган валюта миқдорида сотиш ваколлатига эга бўлди. Бир нарсани сездикки, бу чеклаш Россияда меҳнат қилаётган ҳамюртларимизни ким келаётган бўлса ўша орқали нақд пулни бериб юбориш имкониятини чеклаб қўйди. Энди бу ўтказмалар расмий каналлар орқали келиши бошлади...

Россия фуқаролари пулни олиб келиб алмаштиряпти, деган хавотирлар бўлди. Бизда ҳар чоракда 15-20 фоизгача норезидентлар ҳисоб рақамларида ўсиш кузатилади. Иккинчи чоракда норезидентлар ҳисоб рақамларининг ўсиши 47 минггани ташкил этди. Асосий қисми Россия, Украина, Беларусдан бизга кўчиб келган фуқароларга тўғри келяпти, Россия фуқароларининг улуши юқори – биринчи чоракда уларнинг 115 миллион доллар миқдорида маблағлари мавжуд бўлган. Норезидентларга очилган пластик карталар жами 97 минггани ташкил қилди, ундан 90 мингтаси хорижий валютададир. Шу ўринда яна бир маълумотни айтмоқчи эдим. Айрим қўшни давлатларда валютага чекловлар чегара олди ҳудудларидаги фуқароларнинг пул ўтказмаларини Ўзбекистон орқали амалга оширишга ундади. Май-июнь ойларида кириб келган фуқаролар 2-2,5 баробарга кўпайган. Жамини ҳисоблайдиган бўлсак, 119 минггани ташкил қилади.

Бир сўз билан айтганда, бу ерда ҳам биз хатар кўрмаймиз. Пул ўтказмаларини чеклаш билан ҳеч нарса ютмаймиз. Агар биз пул ўтказмаларига филтр ва бошқа чекловлар ўрнатсак, бу валюта сисъатидаги ортга ташлаган қадамимиз бўлади. Ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда бунақа қарор қилмасликни лозим топдик. Маълумот учун, 2022 йилнинг январий-июнь ойларида Ўзбекистонга келиб тушган пул ўтказмалари ҳажми 6,5 миллиард долларга тенг бўлган. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2 баробарга кўп. Июнь ойидаги ўсиш 3 баробардан ортқини ташкил қилган.

– Кейинги вақтларда дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан келиб чиққан ҳолда, Америка банклари Ўзбекистондаги компаниялар тўловларини музлатиб қўйган ҳолатлар ҳам борми?

– Тўғриси айтганда, Америка банклари 13 ҳолатда Ўзбекистондаги компанияларнинг тўловларини музлатиб қўйди ёки мусодара

қилди. Ушбу ҳолатнинг барчасини ўз сабаби бор. 3-4 та ҳолатда тўловлар санкция эълон қилинган кунда ўтказилган. 4-5 та ҳолатда қабул қилувчи томон санкция остида бўлмаган, бироқ қабул қилувчиларнинг бенефициарлари санкцияга тушган одамлар билан боғлиқ бўлган. Хорижий банклар шуни аниқлашди ва тўловларни музлатиб қўйган.

Яна 3-4 та ҳолатда маҳаллий компаниялар хавф-хатарлар ҳақида огоҳлантирилган, лекин шунга қарамай, тўловларни амалга оширган ва яқунда улар музлатиб қўйилган. Шуни алоҳида айтиш лозимки, хорижий банклар ушбу йўналишларни кучайтирилган режимда мониторинг қилиб турибди.

Бу каби вазиятлар деярли барча давлатларда кузатилмоқда. 13-20 та ҳолат юз минглаб транзакциялар орасида ҳеч нима эмас. Буни табиий ҳолат каби қабул қилиш мумкин.

– Эндиликда норасмий ишларда ишлаётганлар, яъни ўзини ўзи банд қилганларга ҳам тижорат банклари томонидан кредит ажратилиши мумкинми?

– Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг ўртача даромадини статистика ёрдамида аниқлаш мезони ишлаб чиқилмоқда. Шу орқали норасмий даромад топаётган шахсларга кредит ажратиш тизимини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Аслида мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги уйдаги ер майдони, деҳқон хўжалиги ёки норасмий ишлардан даромад олади. Бу эса уларга кредит ажратиш жараёнида инobatга олинмайди, чунки юридик жиҳатдан даромад ҳажмини тасдиқлаш имконсиз.


Масалан, новвоиллик қиламан деса, даромадини тасдиқлайдиган ҳеч қанақа ҳужжати йўқ. Биз ҳозир Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Молия вазирлиги билан биргаликда ҳар бир ҳудудда ўзини ўзи банд қилган, норасмий даромад оладиган фуқароларимизнинг ўртача даромадини статистика бўйича аниқлаш мезонини киритаяпти.

Айнан шу йўл орқали уларнинг даромадлари рўйхатга олинди, уларнинг ўртача даромади мана шунча миллион сўм экан, деган ҳужжат билан кредит бериш тизими яратилади.

ДУНЁНИНГ ТУРЛИ НУҚТАЛАРИДА БЎЛАЁТГАН МУРАККАБ ВОҚЕАЛАРНИ ЎЙЛАСАНГ, ҲАР ХИЛ ВАҲИМАЛИ ХАБАРЛАРНИ ЎҚИСАНГ, КЎНГИЛГА ҒУЛҒУЛА ТУШГАНДАЙ БЎЛАДИ. МАРКАЗИЙ БАНКИМИЗ РАИСИНИНГ ЖАВОБЛАРИНИ ЭШИТГАНДА ЭСА КЎНГИЛ ТИНЧЛАНИБ, ХОТИРЖАМЛАНГАНДАЙ ТУЮЛАДИ.

(Марказий банк раисининг саволларга жавоблари айрим қисқартириш билан берилди).

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



Ўзбекистон заминининг усти ҳам, ости ҳам сир-синоатга, ҳазинага тўла. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Миллий археология маркази ҳамда Австралиянинг Гриффет университети ходимлари томонидан яқинда "Сурхон" давлат қўриқхонаси "Хатак" бўлимининг "Боғидара" массивида янги фор топилди. Ўрта полеолит даврига оид манзилгоҳ олим ва мутахассислар

томонидан "Хатак ғори", деб аталмоқда. Янгилик илм-фан учун ўзига хос кашфиёт сифатида эътироф қилинаётгани қувонарли.

– "Хатак" неандертал одамларнинг иккинчи яшаш макони эканлиги аниқланди, – дейди "Сурхон" давлат қўриқхонасининг "Хатак" бўлими инспектори Бахтиёр Бекмуродов. – У тик қоядан 15-20 метр баландда жойлашган бўлиб, кириш ниҳоятда қийин кечди. Асрлар қаъридан сўзловчи макондан тош қуроллар, ёввойи ҳайвонларнинг майдаланган суяклар олинди. Энг асосийи эса 100-60 минг йил олдин яшаган неандертал одамларнинг ҳаётини манзараси – кул, думалоқ ўчоқ каби талай қолдиқларнинг сақланиб қолганидир. Мўъжизалар мужассам масканда изланиш ва ўрганиш ишлари давом этмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.



"ДОВЕРЕННОСТЬ" УЧУН НОТАРИУСГА БОРИШ ШАРТ ЭМАС

Автотранспортни бошқариш учун ишончномани
2 ХИЛ УСУЛДА расмийлаштириш мумкин

НОТАРИУС ОРҚАЛИ ЁЗМА ШАКЛДА	ЯИДХП (my.gov.uz) ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА 2022 йил 1 сентябрдан
<p>давлат божи</p> <p>900 минг сўм</p> <p>герб йилғини</p> <p>30 минг сўм</p> <p>пуллик хизмат учун тўлов</p> <p>75 минг сўм</p>	<p>давлат божи</p> <p>1 ойгача бўлган муддатга – 90 минг сўм</p> <p>6 ойгача бўлган муддатга – 450 минг сўм</p> <p>3 йилгача бўлган муддатга – 900 минг сўм</p> <p>герб йилғини</p> <p>пуллик хизмат учун тўлов</p>

Электрон ишончнома орқали фуқароларимиз ҳам ўз вақтини, ҳам 1 йил давомида қарийб **24 МЛРД СЎМ** пулни тежаб қолади.

@huquqiyaxborot Манба: ПҚ-311-сон, 07.07.2022 й.

ОРАМИЗДА
ШУНДАЙ
ИНСОНЛАР
БОРКИ, УЛАР
ЎЗ ФАОЛИЯТИ
ДАВОМИДА БОР
БИЛИМИ ВА
ТАЖРИБАСИНИ
ИШГА СОЛИБ, ШУ
ЮРТ УЧУН, ХАЛҚ
ФАРОВОНЛИГИ
УЧУН САФАРБАР
ЭТАДИ. АЛБАТТА,
ИНСОН ҲАЁТДА
МЕХНАТИ, ОЛИБ
БОРАЁТГАН
ХАЙРЛИ ВА ЭЗГУ
ИШЛАРИ БИЛАН
ҚАДР ТОПАДИ.

ФАХРИЙЛАР ҚАТОРИДА



ПРОФЕССОРГА АЙЛАНГАН ФЕРМЕР

«Эл-юрт хурмати» ордени соҳиби Раъно Валиева ҳам меҳнати орқасидан қадр ва эътибор топган инсонлардан бирidir. Опа 1976 йилда Қизилтепа тумани «Бўстон» жамоа хўжалигида механизатор вазифасида иш бошлаб, қатор йиллар агроном ва раис ўринбосари вазифаларида ҳам фаолият олиб борган. 1999 йилдан буён эса Ўртачўл ҳудудда ўзи ташкил этган «Вали обод» фермер хўжалигини бошқариб келмоқда. Фаолияти давомида Р.Валиева Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, шунингдек, Сенатор сифатида ҳам фаолият олиб борди.

Бугун эса Раъно Валиевага Навоий давлат кончилиги ва технологиялар университети фахрий профессори унвони берилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда фермерга гувоҳномани Ўзбекистон Қаҳрамони, «Навоий кон-металлургия комбинати» АЖ директори Қувондиқ Санокуллов топширди.

Фаолиятим давомида яхши-ёмон кунларни кўрдим, – дейди Раъно опа. – Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, фермер хўжаликлари ташкил этилиб, деҳқон кўксига шамол теғди. 1999 йилда Ўртачўл ерларини ўзлаштириш савий-ҳаракатлари бошланди. Очиғи, меҳнат билан боғлиқ масалаларда лугатимда «бажаролмайман», «йўқ», деган сўзлар учрамайди. Доим топшириқларга «лаббай», деб жавоб берганман. Чўлни ўзлаштириш таклифи менинг кўп йиллик тажрибамга билдирилган ишонч, масъулият эди. Фермер хўжалигимиз ишчилари билан келиб Ўртачўл ҳудудларини кўздан кечирдик. Тап-тақир ер, бир гиёҳ унадиган сиёғи йўқ, айрим жойлари тошлоқ, шўрхок эди. Механизаторимиз «Раъно опа, бу ердан ҳосил олгунча она сутимиз оғиздан келадий», дея хавотирланди. Ўзимнинг кўнглимдан ҳам шундай фикрлар ўтиб турган бўлса-да, ҳадигимни жамоага билдирмаганман. Ахир, ишчиларни руҳлантириш раҳбарнинг вазифаси. Қачонки, раҳбар иккиланса ёки оғир вазиятда қўрқоқлик қилса, у ердан барака кетади. Шуларни

» ОПА
БОШЧИЛИГИДА
ДАСТЛАБ, ЧЎЛДАГИ
20 ГЕКТАР ЕР
ЎЗЛАШТИРИЛГАН
БЎЛСА, КЕЙИНГИ
ЙИЛ 40 ГЕКТАРГА
ШУ ТУПРОҚҚА МОС
«БУХОРО-6» НАВЛИ
ЧИГИТ ЭКИЛДИ.

Ўйлаб дарҳол ўзимни қўлга олдим-да, яхши ният билан меҳнат қилинса, тошдан гул унади, ҳолбуки, бу ер экан, дедим. Қолганлар сўзларимни маъқуллади. Енгни шимариб, ғайрат билан ишга киришдик.

Опа бошчилигида дастлаб, чўлдаги 20 гектар ер ўзлаштирилган бўлса, кейинги йил 40 гектарга шу тупроққа мос «Бухоро-6» навли чигит экилди. Тинимсиз меҳнат, ўз вақтида амалга оширилган агротехник тадбирлар натижасини берди. Фермер хўжалиги ҳар йили пахтадан биринчи теримдаёқ шартномавий режани ортиғи билан бажаради.

– Бугун бир пайтлар кимсасиз бўлган Ўртачўл ерлари эндиликда мўл ҳосил гаровига айланди, – дейди опа. – Бу ҳудудда ҳам юқори ҳосил олиш мумкинлигини кўриб, бошқалар кўчиб кела бошлади. Албатта, агар давлатимиз бизни қўллаб-қувватламаса, бугунгидек натижаларга эришмаган, қўзлаган ҳосилни ололмаган бўлардик. Пахтачилик кластери яратилгани деҳқонларнинг эртанги кунга бўлган ишончини оширди. Хом ашёнинг харидори аниқ, ҳосилни териб

олиш, иш ҳақларини тарқатиш бўйича муаммолар, ортиқча оворагарчиликлар барҳам топди. Агротехник тадбирлар ўз вақтида бажарилишида ҳам кластер корхоналарининг хизматига таянчимиз.

Дарҳақиқат, «Вали обод» Раъно опанинг бобоси номига қўйилган. Дастлаб, 20 киши билан иш бошланган мазкур хўжаликда айни вақтда фаолият юритаётган доимий ходимлар 50 нафардан ошди. 100 нафардан ортиқ мавсумий ишчилар ҳам бор.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги фаолиятининг қирқинчи йили Р.Валиева учун унутилмас бўлади. Фермернинг меҳнати қадр топиб, 2017 йилда у «Эл-юрт хурмати» ордени билан мукофотланди.

– 2017 йил хотираманда унутилмас йил сифатида муҳрланган, – дейди опа. – Ўша йили биринчи бор мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ходимлари кўни байрам сифатида нишонланди. Туман ҳокимлигидан кўнгирак қилиб, Тошкентга – байрамга боришим кераклигини айтишганида, ҳаяжондан шошиб қолдим. Тантанали анжуманда иштирок этиш, узоқ йил кўрмаган ҳамкасблар дийдорини кўриш иштиёқи... Тайёргарлик кўриб, яхши ният билан йўлга чиқдим. Тантананда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевдан юксак мукофотни қабул қилиб олганим ҳаётимдаги энг бахтли ҳодиса бўлди. «Навоий халқини ҳурмат қиламан, қизилтепаликларни яхши кўраман», деган самимий сўзлари ҳамон қулоғим остида жаранглайди.

«Меҳнат қилган элда азиз», дейди доно халқимиз. Меҳнат эса доимо инсонни улғулаган. Бунга Раъно опа Валиева тисолида ҳам кўриш мумкин. Бугун ҳам опа қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил олиш, ишчи-ходимлар, уларнинг оиласини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш йўлида тинимсиз изланишда. Ахир уларнинг оиласи тинч, рўзғори бут бўлса, хўжалик ишларида унум ва барака бўлади. Бу эса опанинг асосий шиоридан бирidir.

Абдували БҮРИЕВ,
Сирож АСЛОҢОВ (сурат), УЗА.

«Микрокредитбанк» кредитлари эвазига 6 ойда 37 МИНГДАН ОРТИҚ ОДАМ ИШЛИ БЎЛГАНИ РОСТМИ?..

Ўтган ҳафта «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан матбуот анжумани ўтказилиб, давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган ишлар ва истиқболдаги режалар хусусида маълумотлар берилди.

Жорий йилда банк активлари 8 фоизга, кредит портфели 7 фоизга, депозитлар қолдиғи 29 фоизга, шундан аҳоли омонатлари қолдиғи 21 фоизга ўсгани таъкидланди.

– Банк томонидан миқозларга хизмат кўрсатиш сифати ва шароитларини яхшилаш мақсадида 15 та янги, замонавий ихчам банк хизматлари марказлари фаолияти йўлга қўйилди, – дейди «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви раиси ўринбосари Рустам Сулаймонов. – Венгрия давлатидан 300 донга янги банк-омонатлар келтирилиб, чекка ҳудудлардаги хизмат кўрсатиш офисларига жойлаштирилди. Кейинги босқичда қўшимча яна

300 донга банк-омонат олиб келиш бўйича ҳам келишувга эришилди. Ушбу банк-омонатларни олиб келиш Венгриянинг Экзимбанк кредит линияларини жалб қилиш орқали амалга оширилди.

Банк томонидан «Инсон қадрини улғулаш ва фаол маҳалла йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан аёллар ва ёшлар бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, банк томонидан жорий йилнинг ўтган 6 ойи давомида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан жами 2871 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиб, 37 миллиард сўм аҳоли бандлиги таъминлангани маълум қилинди.

Банк томонидан паррандачилик йўналишида 2021-2022 йиллар давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 220 та паррандачилик хўжаликлари ва озуқа-ем маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналарга 591,7 миллиард сўм миқдорда



кредит маблағлари ажратилган. Қўёнчилик йўналишида 289 та (шундан 11 та юридик шахсга ва 278 та жисмоний шахсга) миқозларга 37,8 миллиард сўм кредит ажратилиб, 79 та иш ўрни яратилди.

Кўп квартиралар уй-жойлар массивларини барпо этиш бўйича ҳам банк томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг тегишли фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида 2022 йилда жами 727 та оилага 137,2

миллиард сўмлик ипотека кредитлари ажратилган.

Анжуманда масъуллар молия муассасаси маҳаллалардаги «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган ишчи фўқароларни касб-хўнарга ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилишда фаол иштирок этиб келаётгани, шу билан бирга, 278 та оилага имтиёзли кредитлар ажратилгани тўғрисида ҳам ахборот берди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ.

БИЛАСИЗМИ?



Нутқида, эшитиш
ва кўришида оғир
нуқсонлари бор
болалар учун боғча
пули тўланмайди

Қуйидаги касалликлар мавжуд болалар учун боғча пули тўланмайди:

- нутқидаги оғир нуқсонлар (ринолалия, дудукланиш, болалар афазияси, рўхий-нутқий ривожланишда орқада қолиш);
- эшитишдаги оғир нуқсонлар (II – IV даражадаги карлик);
- кўришдаги оғир нуқсонлар (кўзи ожизлар, бир кўзи соққаси йўқлиги (анотальем), амблиопия ва ғилай бўлган заиф кўрадиганлар);
- таянч-ҳаракатланишдаги нуқсонлар;
- психик ривожланишда орқада қолиш (ақлий орқада қолиш (ақлий фаолиятнинг орқада қолиши ва ақлий заифликнинг енгил даражаси);
- мураккаб нуқсонлар (ривожланишда икки ва ундан ортиқ нуқсонлар мавжудлиги);
- сил касаллигининг илк кўриниши (сил касаллиги билан касалланган бемор билан бир оиладан (хўжаликдан) бўлиб алоқада бўлганлар, тубвираж), шунингдек, сил касаллигидан кейинги тиклаш даври.



Пенсия тайинлаш
учун минимал
иш стажини
биласизми?

Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар камида 7 йил иш стажига мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда тайинланади.



Ота-оналар
фарзандларини бир
синфдан бошқасига
ўтказиш ҳуқуқига эга

Ота-оналар ўз фарзандларини ўз хоҳишига кўра, ўқув йили давомида ёки у тугаганидан сўнг бир синфдан бошқа синфга ўтказиш ҳуқуқига эга.

Бунда ота-оналар фарзандини синфдан синфга ўтказиш сабабларини кўрсатиб мактаб директори номига ариза беради.

Директор аризани олган кундан 1 иш кунига кўриб чиқади ва ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисида буйруқ чиқаради.

Синфдаги ўқувчилар сони меъёрдан (35 нафар) ортиқ бўлганда, директор ўқувчини синфдан синфга ўтказишни рад қилиши мумкин.

Рад этиш ҳақида директор 3 кунда ота-оналарга ёзма равишда маълум қилиши керак.

Директорнинг ўқувчини синфдан синфга ўтказиш тўғрисидаги буйруғи қабул қилинган, 3 кунда синф журнали ва ўқувчилар ҳаракати дафтарида тегишли ёзув киритилади.



ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА СЕРТИФИКАТГА ЭГА АБИТУРИЕНТЛАРГА МАКСИМАЛ БАЛЛ БЕРИЛАДИ

Тест синовларида (касбий (ижодий) имтиҳон) чет тили фани бўлган барча бакалаврият йўналишларига ҳужжат топширган ва миллий ёки халқаро сертификатнинг қуйидаги даражаларига эга бўлган абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларисиз максимал балл берилади:

- инглиз тили учун – миллий сертификат ёки International English Language Testing System (IELTS 5,5 (бунда ТДЮУ учун writingдан 5,5 балл), Test of English as a Foreign Language (TOEFL IBT 72), Cambridge Assessment English FCE, Cambridge Assessment English Linguaskill халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;
- япон тили учун – миллий сертификат ёки Japanese Language Proficiency Test (JLPT № 2) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;
- немис тили учун – миллий сертификат ёки Goethe-Zertifikat, Deutsches Sprachdiplom (DSD), Test Deutsch als Fremdsprache (Test DAF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;
- француз тили учун – миллий сертификат ёки Diplôme d'Études en Langue Française (DELF), Test de Connaissance du Français (TCF) халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори;
- бошқа тиллар учун – миллий сертификат ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори.



«ЮРАКНИНГ ИЧИДА ЎТИРИБМАН ЖИМ»

(Эшқобил Шукур ҳақида айрим қайдлар)

-1-

Мен истеъдодли шоир Эшқобил Шукур тўғрисидаги ушбу мақолани ёзишга кўп ҳозирлик кўрдим. Жавонимдаги шеърий китобларини қўлимга олиб ўқидим, ажратиб зарур китобларим ёнига қўйдим... Чалғидим. Нимадир халақит беради. Ёлгон ёзишни ёмон кўришимми, шеърни тушунмаслигимми ёки шоирнинг овози? Нимадир. Ҳар юмшунинг ўз фурсати келмоғи керак. Вақти келди чамаси, қалам аста юрди.

Гапни илк танишув палласидан бошлаганим маъқул, деган умидли бир туйғунинг шамоли хотирам саҳифаларини бир-бир варақлай кетди...

1987 йил. Талабалар шаҳарчаси. Талабалар турар жойи. Рустам Мусурмоннинг бежирим хонаси. Эшқобил ака, Рустам ва мен камтарона талабанинг дастурхони теграсида – учовлон. Илк танишув – шу. Тирик шоирни кўзим билан илк кўриб туришим. Чунки мактабдаги “Адабиёт” дарслик китобларида ўтган раҳматли ижодкорларнинг таржимаи ҳолларини ўқиб эда бўлган кўнгли айна дийдордан “англик қидирган”, излаган ва топган бўлса не ажаб! Эшқобил Шукур деган шоир билан танишганимдан қувониб, сабоқдошларга сўзлаб юрдим. Улар ҳавас қилишди... Дарвоқе, ўша илк учрашувда, табиийки, бадиий адабиёт, адабий ҳаёт, шеърят ва сўз ҳақида гурунглашганимиз. Эшқобил ака, негадир кейинги кунларда ўзига “менимча” деган сўз маъқул келмай юрганини айтган эди. Сабабини билмадим, ўзи ҳам билмаслигини сўзлади. Овозини телеэкранда кўп бора эшитганман. Ўша титроқ ва табиий овоз: “Қани сенинг овозинг!” дея ўндов белгилари қаторлашган ва мудроқ кўнглиларни уйғотган бир сас-садо. Айнан соҳир садо менинг ушбу ночор иншоларим устини қоплаб олади, уни кўримсиз ва кўксиз қилиб қўяди. Чунки шоир овози шеърлик кўркам, сокин, титроқли ва жарангдор. Шеърни илмийнамо шарҳлаш қийин. Илмийнамолик нағмалари ва кишанларидан холос бўлиш ниятида бошқача услубий йўллардан юрмоқ истаиди кўнгли. Бироқ яна қопиллашган тасаввуримдан ироқлаша билмай йўланиб ўтиравераман...

Шу-шу мен Тошкентга келиб, Эшқобил Шукурдек кўнглидош топдим. Ҳар кўришганидан “Баҳодир” деган самимияти худди жигарларим меҳрли овозидек эшитилди.

Эшқобил ака мени катта олим деб ўйлаб юрди. Тўғриси, бундан одам ийманади. Миллий театрдан чиқиб келар экан, салом-алиқдан кейин: “Мана шу Баҳодир, биласанми, ҳў, бизнинг ижара ҳовлига Рустам Мусурмон, Бобомурод Эралилар билан бирга пилла тергани борган...”, ҳозир катта олим”, деб Машҳура кеннойига мени мақтайди. Ташқарида камтарга ўхшаб кўринаман, истиҳола қиламан, ичкаридан манмансирайман. Кўп қатори ийманганнамо ҳолимни намоён этаман, манманли қиёфани яшириб тураман...

Азизлар, аслида Эшқобил Шукурнинг олтимиша киргани билан табрик ўрнида шеърлари таҳлилига бағишлаган мақола ёзмоқ ният қилган эдим. Дардлар қаламнинг сиёҳи рангиб кирди, кечирасизлар...

-2-

Эшқобил Шукур қалбини, шеърятини мenden кўра Рустам Мусурмон яхшироқ билади. У университетда аспирант бўлган йиллари “Сочлари сумбул-сумбул”, деган мақола ёзди ва “Ёшлик”да чиқди. Шу мақола ҳаёлимдан кетмади. Шеърстонда Рустам Мусурмон туйғун, сезгир ва ҳаяжонли олим. Содда, ишонувчан, оққўнгли шоир.

Аслида, биз талабаларнинг назар-этиборини Эшқобил Шукур шеърларига “Шоирнинг илк тўплами” рункида босилган “Сочлари сумбул-сумбул” тўплами муҳрлаб қўйган эди. “Сочлари сумбул-сумбул...” Бу китобчани ҳали шу кунга доғур ўқийман, варақлайман, гоҳида ёдаки пичирлайман:

**“Айланай, гулларнинг тилидан,
Кўзларим рангларга тўлмоқда.
Юрагимнинг узун йўлидан
Ширин-ширин кунлар келмоқда.
Суйганларим, суюнчи беринг”.**

Марҳамат, беринг суюнчини, азизлар!
Шеър бундай бўлибди. Эшқобил Шукур шеърларини тушуниш осонга ўхшайди, лекин тушунтириш нисбатан қийин иш. Кўзлар қувончдан рангларга тўлиши... Юракнинг узун йўли – бу шоирона топилдик. Шоир шеърларини холис юрак билан ўқиш лозим. Чунки у

шундай туйғуларнинг ранги, сўврати, йўли. Шеър учун сезим муҳим. Сезими сезиш сезгисидан мусоува одам шеър ўқимади, ўқимагани ҳам маъқул аслида. Жисмини обод қилгучилар бундай маҳали сўз руҳини – гўзалликини барбод қилади.

Аммо Эшқобил ака мenden муносабат кутмайди. Ўз шеърлари менинг муносабатимдан, мақтов-алқов ёки “жузъий камчиликлари” хусусидаги таклифларимдан баланд туришини яхши билади. Шоир учун шуниси, шундай тутуми маъқул ва аълодир. Тилангани – шоирнинг маҳв бўлгани, тилингани. Эшқобил аканинг шеърли топилдиқлари, тасвирлари, метафорали, оксиморони таъбирлари бошқа бировларникига ўхшамайди.

**“Кўнглимни тошга ёрдим,
Тошлар синди-я чил-чил.
Сув ичгали кўзимга
Қушлар қўнди-я бир-бир”.**

Кўнглидаги дард кўлаидан тошлар парчаланари. Қушлар кўзёш ичмоқдами ёки кўз – бу дарёми? Марҳамат талқин қилин-чи?

Рух ҳақида сўзлаш, ёзиш, шеър айтиш қийин. Бироқ Эшқобил Шукур – руҳият одами, руҳпарвар, руҳи элига, элдошлари руҳига пайванд. Рухи мумтоз шоирлар руҳига эш. Шоирнинг “руҳидан булоқлар” сизиб чиқади. Элдан чиққан, ёғийга ён босган кимсанинг “руҳи сақов”, орсиз бўлади. Орият – буюк туйғу. Орномус – руҳий тарбияга тегишли тушунча. Агар руҳинг тоза-покиза бўлса, ҳаммага хуш ёқади. Ҳатто “мусаффо руҳингни алқайди қушлар”.

Эшқобил Шукур шеърларидан қушлар сайрайди: қалдирғоч – “вижир-вижир”, турналар “қурей-қурей”, булбуллар “чип-чип”лаб сас беради. “Кўзларимда сокин-сокин чайқалади дард” – дардли. Гоҳида шоир “ой ва шамол билан диллаш”гиси келади. “Юракнинг ичида ўтирибман жим” бундай юрак қасридаги истиқомат, ўтириш, ичкаридаги сукутли гурунғ ҳам чин шоирга хосу мос ҳолат, албатта.

Эшқобил ака сўзига эҳтиёткор шоир. Айни дамда “оловли музлар”, ўзаро мурося қилмайдиган сўз бирикмалардан фойдаланади. Шеър табиати уларни кўтаради. Шеърни маънолар, сирлар, лаҳзалар безайди. Гоҳида идрок зўриқади. Қайта ўқишга, ўйлаш ва тасаввурга эҳтиёж пайдо бўлади.

-3-

Бобосўз изидан кетаётган шоир Эшқобил Шукур мудраётган сўзларни уйғотиб юбориш куйида юрибди. Ҳа, шоир айтмоқчи: “Юракни уйғотиб юборинг”. Қани, сўзни уйғотиб юборинг. Бизга ўша уйғоқ сирли, сеҳрли, содда, самимий, ўзбакий, туркий сўзлар керак. Ухлаган сўзларни уйғотиш машқлари муборак бўлсин!

Мен ҳам сўз териб юраман: кўча-қуйда, отизда-уйда. “Узимизнинг сўзимиз” қопимда бир дунё сўзларим бор. Эшқобил Шукур билан ана шу сўзлар ҳақида сўзлашиш мароқли. Шоирнинг сўзлар билан сўзлашув китоби – “Бобосўз изидан” қисқа мuddат ичида икки қатла босилди. Шоир унда “Йўқла”ни йўқлаб ёзибди. “Йўқ бўлиш”дан, маънонинг кенгайишидан баҳс юриптибди. Шунда фикрга толдим. “Йўқлов” балки ростданам ҳам “йўқ одам”га нисбатан қўллангани маъқулдир. Болалиқдан, мактаб ёшимдан ҳамон эсламан – синфда бизни муаллим асло “йўқлама” қилмас эди. Ҳар доим “борлама” қиларди. Борларга сабоқ берар эди. Яна қизиғи, “текширувчи-комиссия” сўзлари ўринда ҳам “борловчи” ишлатиларди. Борловчи тепадан, қўри ташкилотлардан келади ва у ҳаммаша шу сўзнинг савлат билан ишлари чала одамлар кўнглига гўлгула-вахима солиб туради. Борловчи ҳужжатларнинг бор-йўқлигини тафтиш этади. Бор бўлса, баракалла дейди, йўқ бўлса чора кўради.

Сўзлар билан сўзлашиш, сўз дардига мубтало бўлишда хайр бор, яхшилиқ бор. “Қўлоғоч” билан “келидаги бугдой ёки шоли туйиб янчилади”. Қўлоғоч – бу келисоп. Энам – Тозагул Қодир хоррат қизининг келида алланамалар майдалаганлар ҳали-ҳануз кўзим ўнигида.

“Мумкин” билан “имкон”ни изоҳлайди Эшқобил ака ва уларнинг битта ўзақдан келиб чиққани, арабча сўзлар эканига ургу беради. Аммо бу ўринда шоир туйган, сезган муҳим бир тушунча бор: халқ мақоллари тарихида бу

иккиланишга мойил сўз қўлланмайди. Қўллаб бўлмайди. Яхши фикр.

Бир замонлар Эшқобил Шукур “Кошғарий ёди” шеърда ёзган эди:

**“Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?
Тил – эга, даврлар аниқловчилар...
Йиғларми, ўлган сўз узра “Болам” деб
Ўзбекистондаги тилчилар”.**

Бир замонлар бундай айтим-марсия-йўқлов шоирлар иши бўлди. Ҳатто ўзбек тилига давлат тили берилган бир паллада “Ўзбекистондаги тилчилар” пана-панада тамошабин бўлиб юрди. Ёв қочди. Ботир кўпайди. Кўп тилчилар оммавий ахборот воситаларини гуллатди. Бирор марта остона ҳатлаб кўчага чиқмаган кимсалар кейинчалик хотиралар сўзлашди мароқлини ва ҳамон сўзлашмоқда... Маломат учун узр. Бори шудир.

“Сиз нега нотинчсиз, Маҳмуд Кошғарий?” – аслида шоирнинг ўзи хотиржам эсам эди. Бу ичкаридаги нотинчлик кўп йиллар давом этди ва охир-оқибат туркий сўзларни девон қилган Кошғарийдан сабоқ олган шоир “Бобосўз изидан” номли сўзлар китобини эълон қилди. Изҳорнинг ўзига хос усули – йўл-йўсинини ҳам топди у. Аслида ижодкор одам ҳаммаша сўз йўлидаги йўлчи-йўловчи, сўз изловчидир. “Инсоният босиб ўтган бобо тарих – йўл. У ҳақ сўз ровий”сидир. Ҳақ йўли, халқ йўли ва ҳақ сўз йўли – бундаги сифат туркумини эгаси бирлаштиради. Дарҳақиқат, олис-яқин ўтмиш – йўлнинг барча бекат, манзил ва мароқиллари ҳақ сўзнинг намоён манзараларидир. Сўздан жонсиз олам жон олади, ўлик вужуд тирилади. Ҳақ сўзнинг қамров қуввати кўёшга тенг – нури, тафти, ёруғ ва қамрови ҳам кенг. Одамлар эҳтиёжманд.

“Бобосўз изидан” Эшқобил аканинг тилимизнинг улкан билимдони эканидан дарак беради. “Бобосўз изидан” – бу китобда биз билган ва билмаган сўзларнинг маъно қирралари очилади. Шоирнинг шеърий таъбирича: “Сўзлар гуллаётир қийғос ва қийғос”. Ҳа, унинг сўзлари насрий асарлари – қатор ҳикоя ва қиссаларида ҳам “қийғос ва қийғос” гуллаб-яшнаб турибди.

-4-

Эшқобил Шукур синчков одам. Одам танийди. “Хотира ёки бошимдан ўтганлари ёдимга тушади” китобидан отамни таниди, отамнинг кўнглини, одамгарчилигини, ҳақгўйлигини сездим. Кейинги йиллардаги ҳар учрашувда отамнинг шу китоб гапимиз мавзусига айланди. “Маънавий ҳаёт” журнали учун “Отам ва мен” деган мақола сўради. Ҳалигача ёза олмадим.

Ўша китоб охирида Энамдан ёзиб олганим хикмат сўзларни эслатди. “Қаранг, “Очлик нени едирмас, тўқлик нени дедирмас”. Бу Кошғарийда бор-ку, Баҳодир! Уни бир шеъримга эпиграф қилиб олганман”, деди. Мен ҳам уни “Девон”дан ўқиб хайратга тушган эдим. Чунки эсимни танигандан бери шу гапни, шу нақлни

Энамдан кўп бора эшитганман. Мактабда бир синфни ҳам буткул ўқишга имкони бўлмаган Энам раҳматлик ҳақида бир мақола ёзиш учун “Энам “Девони луғатит турк”ни ўқиганми?” деган сарлавҳам борлигидан сўзладим. Эшқобил ака маъқуллади.

Сўз, янги сўз, эскидан уйқуга кетиб, уйғонган сўзлар Эшқобил аканинг энг яқин дилбандлари, ошнолари, садоқатли дўстлари. Шоир билан Сўз ҳақида сўзлаш мароқли.

-5-

Эшқобил ака билан баъзан “Ёш китобхон”, “Ёш китобхон оила”, “Мушоира” каби танловларда бирга ҳакамлик қилдик. Шоирнинг баҳолашлари одилона; виждонига хилоф иш тутмайди у. Иштирокчини ортиқча изза қилмайди, танбеҳлари ҳам маданий шаклда, ўта одоб-ахлоқ доирасида. “Бундай бўлмайди, ахир. Ўқимок керак... Зиёлига бу ярашмайди...” мазмунли койишлари бўлади. Кўп гувоҳи бўлдим, ҳеч иложсиз қолган паллада ҳам иштирокчининг кўнглини кўтариб, рағбатлантириб, келажак ишларига омадлар тилаб реал баҳосини қўйган ҳолда “Энди, сизга “нол” балл қўямиз, бошқа иложимиз йўқ, ахир”, дейди ўта салобат, хотиржам ва рози-ризолик билан. Иштирокчи ҳам бундай муносабатдан мамнун бўлади. Салобатли ва мухташам “нол” баллидан эса асло хафа ҳам бўлмайди. Бу бебаҳо “нол” балли ҳам Эшқобил ака воситида қиймат касб этгандек бўлади...

Шу йил ёз бошида Туркиянинг Истанбул шаҳрида Туркий халқлар шеърятининг халқаро миқёсдаги улкан анжумани-фестивали бўлиб ўтди. Ўнлаб шоирлар ўзи эмақдошлари, таржимонлари, кўзумчоқлари, кузатувчилари, қарсақбозлари билан бориб катнашди. Мақсади – голиб бўлмоқ. Ўзбекистонда битта ўзи ёлғиз – Эшқобил Шукур. Даврани тўлдириб, гулдиратиб сокин ва табиий шеър ўқийди. Ҳакамларнинг холис баҳосига ҳавола. Тақдирлаш маҳали бир чеккада ийманми туради. Ким нима деркин? Бир қадам орта тисарилса, кўқомонлардан бири имлаб тўхта-тади. Не бахтки, мухташам даврада бошловчи овози янграйди: “Ўзбекистон – шоир Эшқобил Шукур “Қалдирғочнинг кўзёшлари” шеъри учун Туркий халқлар шеърятини фестивалини энг олий соврини – Бахтиёр Ваҳобзода номидаги бош мукофот билан тақдирланади”. Уч кунлик сафар, Эркин Аъзам айтмоқчи, “Эшқобил Шукур борди, забт этди ва қайтди”...

“Қалдирғочнинг кўзёшлари” – бу шеърнинг тароватини кетказиб илмийнамо сўзлар билан билжираб, ўзимча оламшумул таҳлил талқинларга берилмоқчи эмасман.

Муҳтарам газетхон, чўзилган гапим туганчига етди. Яхшилар ёнимизда юрибди. Қадрайлик. Истеъдодли шоир Эшқобил Шукур биз билан елкадош, элдош, замондош, дилдош.

Баҳодир КАРИМ.



Хотира турнири ўтказилди

Каттақўрғон тумани 3-сектор ҳудудидаги “Навбахор” маҳалласида жойлашган “Каттақўрғон электро техника заводи” асосчиси Очил бобо Рўзиевнинг хотирасига бағишланган мини футбол турнири ўтказилди. Унда ҳудуддаги 30 ортиқ мактабнинг 2009-2011 йилда туғилган ўсмирлари голиблик учун кураш олиб борди. Ўйин натижаларига кўра,

66- ва 55-мактаб жамоаси 3-ўринни, 59-мактаб жамоаси 2-ўринни қўлга киритди. 58-мактаб жамоаси эса бош кубок соҳибига айланишди.

Тақдирлаш маросимида туман ҳокими ўринбосарлари, “Динамо” футбол мактаби директори, нурунийлар ва ёшлар иштирок этишди.

Жамшид АМИРОВ.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

O'zbekiston ovozi

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOVATOV
Ulug'bek VAOFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV
Guliston ANNAQILICHEVA

Muslihiddin MUHIDDINOV
Hayotxon ORTIQBOYEVA
Shuhrat ISLOMOV
Tohtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: To'liqin TO'RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Telefonlar: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 741. 1850 nusxada bosildi. O'zA yakuni — 22:36
Nashr ko'rsatkichi — 220. Topshirilgan vaqti — 00:20
t — Tijorat materiallari 1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.